O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

сентябр 14

XX аср охири ва янги аср боши Ўзбекистонда эркин хоҳиш-ирода билдириладиган сайловлар даври сифатида тарих саҳифаларида муҳрланажак.

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 14 СЕНТЯБР, СЕШАНБА | № 37 (137) | Сотувда эркин нархда

Тараддуд

САЙЛОВ ВА ИШОНЧ

1999 йилнинг якунланиши ва 2000 йилнинг бошланиши мамлакатимизда сайловлар даври сифатида тарих саҳифаларида битилади. Халқимиз ишонган вакилларини Олий Мажлисга депутат этиб сайлайдилар. Мамлакат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам сайланади, албатта. Остонада эшик қоқиб турган икки мингинчи йилликда Ўзбекистоннинг тараққиёти, янги асрдаги юртимиз равнақи кўп жиҳатдан мана шу сайловлар натижасига боғлиқ эканини ҳар бир онгли фуқаро яхши тушунади.

Ўтган йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган даврданоқ сайловларга ҳозирлик бошланган эди. Зеро, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, «Марказий сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган».

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат. Сайловларни демократик тамойилларга қатъий риоя этган ҳолда холислик асосида ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

Марказий сайлов комиссияси шуларни эътиборга олиб Матбуот маркази ташкил этди. Тошкент шаҳридаги Миллий матбуот маркази биносида жойлашган ушбу марказ халқаро андозалар даражасида жиҳозланган бўлиб, унда республика ва хорижий мамлакатлар журналистлари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан исталганча маълумот олиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, махсус ҳужжатлар, кутубхона, компьютер тизими ва халқаро телефон алоқа тармоқларидан фойдаланиши учун барча шароит яратилган. Айни пайтда ушбу имкониятлардан қайси касбда бўлишидан қатъий назар сайловчиларнинг ҳам барчаси фойдалана олиш ҳуқуқига эга эканлигини демократиянинг ёркин ифодаси дейишимиз мумкин.

Ўтган ҳафта Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида илк матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов сайловларга тайёргарлик борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапириб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Бўлажак сайловлар Ўзбекистонда «ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини» амалда намоён этади. Бу эса сайлов ўтказувчи комиссиялар таркибига масъулият ҳиссини чуқур сезадиган, бу борада етарли билим ва тажрибага эга ҳалол ва софдил кишилар тавсия этилмоғини тақозо этади.

Яқинда Хоразм вилояти кенгашининг навбатдаги XIV сессиясида айни шу масалага эътибор қаратилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Хоразм округ комиссияси таркибига 11, Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 14 та округ бўйича эса 126 кишининг номзодини тавсия этди. Мазкур рўйхат Марказий сайлов комиссияси эътиборига ҳавола этилади.

Худди шунингдек, сайловларга тайёргарлик масаласи барча вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессияларида чуқур ва атрофлича қараб чиқилаяпти. Бу муҳим сиёсий жараён мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқ аҳолиси диққат марказига кўчаяпти.

Ўз мухбиримиз

Шикоят текширилганда

ЖЎЯЛИ ЖАВОБ

Таҳририятимизга Самарқанд вилояти Нуробод туман ички ишлар бўлимида участка вакили бўлиб ишлаган А.Н.Рўзиевдан ички ишлар органларидан асоссиз ишдан бўшатилганлиги, ишга тиклашни сababсиз рад этишаётганлиги ва қайта ишга олишмаётганликлари ҳақида шикоят хати келган эди. Мурожаат ўрганиш учун юборилган Ички ишлар вазирлигидан жавоб олдик:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги собиқ милиция ходими А.Н.Рўзиевнинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқди.

Собиқ милиция капитани Абдуҳаким Рўзиев хизмат фаолиятини Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ИИБда терговчи лавозимидан бошлаган, сўнгги пайтларда Нуробод тумани ИИБ участка вакили лавозимида хизмат қилган, шу даврда 5 маротаба интизомий жазога тортилган.

У 1998 йил 26 апрелда хизматдан сўнг спиртли ичимлик ичган ҳолда ўзининг ВАЗ 21063 русумли автомашинасини бошқариб яна бир бор айб қилган. Йўлда ҳамкасби Г.Бекмуродовни кўриб тўхтаган ва унинг ҳам мастлигини билса-да, автомашина бошқарувини унга берган. Натижада йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бир фуқаро ҳалок бўлган. Ҳодиса юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, ички ишлар идоралари ходимларининг «Касб одобномаси» талабларини кўпол равишда бузилишига йўл қўйганликлари учун иккаласи ҳам хизматдан бўшатилган, тўпланган ҳужжатлар эса прокуратурага юборилган.

Прокуратура А.Н.Рўзиевнинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқ деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЎзРЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этган. Шуни рўкач қилган А.Н.Рўзиев ички ишлар идораларига қайта қабул қилишни сўраб бетиним мурожаат қилиб келмоқда. Унга ички ишлар идораларидан унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши учун эмас, балки ички ишлар идоралари ходими номига номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этганлиги, натижада бир фуқаронинг ўлимига сабабчи бўлганлиги учун асосли бўшатилганлиги, уни хизматга тиклаш ёки қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида жавоб хатлари берилган.

Шавкатжон МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ш.Мавлоновнинг жавобини жўяли, ўринли ва асосли деб қабул қилдик. Гап йўқ. Шояд А.Рўзиевнинг мурожаатига ўхшаш, унга яқин мазмун касб этадиган хатлар муаллифлари тўғри хулоса чиқаришса. Хизматдаги камчиликлар, маънавий қиёфа ва хизмат интизоми, ваколатлилик бошқа жиноят ва жиноий жавобгарлик ўзга нарса эканлигини ажратиб оладиган бўлсаккина, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда хизмат қилиш ёки қилмасликни тўғри англаб етардик, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Конституциясининг 7 йиллиги байрамига-85

Мухтор вакил депутатлар сайловига-82

Ўзбекистон Президенти сайловига-117

КУН ҚОЛДИ

Мустақиллигимиз иншоотлари

ИККИ БИНО, ИККИ ТАРИХ



Сиз суратда кўриб турган бу бино мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллик маҳсули. Бир неча ўн йиллар кўримсиз, пастқам бинода фаолият кўрсатиб келган Акмал Икромов тумани суди ходимлари мустақиллигимизнинг 8 йиллик муборак тўйи нишонланаётган кунларда мана шу салобатли, пурвиқор бинога кўчиб ўтдилар. Тўй тўйга уланиб кетди. Сабаби, бу бинонинг биринчи ғиштини Ўзбекистон мустақил Республика, деб эълон қилинган кунларда қўйилган эди. Орадан саккиз йиллик тарихий, машаққатли йиллар ўтди. Ўзбекистон ўз халқи ва ўзлигини кўрсатиб, жаҳонга юз тутди. Собиқ иттифоқдош республикалар орасида ўзига хос, ўзига мос йўлдан оғишмай бориб, тараққиётга эриша бошлади. Қисқа фурсатда ўз машиналарига, осмонўпар биноларига, серқатнов, равон йўлларига, остма-ust кўприкларига эга бўлди. Бу оламшумул воқеа, жамики саъй-ҳаракатнинг бошида сўзсиз республикамиз Президенти И.Каримов собит турди. Оғир ва машаққатли кунларни ортда қолдириб, мана, мустақиллигимизнинг муборак саккиз йиллигини ҳам муносиб кутиб олдик ва зўр шодиёна билан нишонладик.

Ўша долғали 1990 йилларда ва унга қадар 10 йиллар мобайнида Акмал Икромов туман суди хоналари суд жараёни талабларига мос келмаган бинода фаолият кўрсатарди.

- Сиз эски бинони кўпам пастқам деяверманг, унинг ўзига хос тарихи ва табарруклиги бор, - деди туман суди раиси Улуғбек Содиқов. - Бу бино иккинчи жаҳон уруши туфайли уй-жойсиз, бошпанасиз, ота-онасиз қолган минг-минглаб етим-есирларнинг табаррук макони бўлган. Уни оддий халқ «етимлар уйи» деса, шу ерда тарбия топган, вояга етган, бугунги кунда давлатимизнинг юзлаб юқори идоларида, завод ва корхоналарида раҳбарлик лавозимида ишлаётганлар «бизнинг уйимиз», деб таърифлашади. Бу эски биномизнинг катта тарихидан қисқа бир жумла, холос...

4-бет

Мен нима дейману қўбизим...

РАДДИЯ СЎРАБСИЗ, МАРҲАМАТ!

ёхуд газета хабарига Навоий вилояти адлия бошқармаси билдирган муносабат хусусида

«Инсон ва қонун»нинг 1999 йил 6 июл сонида «Кимдир тер тўкиб топади...» сарлавҳаси остида Навоий вилояти Қизилтепа шаҳрилик Э.Қораевнинг Республика Президенти, Навоий вилоят ҳокими ва таҳририятимизга ёзган шикоят хати қисқартириб босилган ва алоқадор тарафларнинг эркин фикр билдиришига ўрин қолдирган эди. Биз бир неча бор маълум қилганимиздек, газетамиз саҳифасидаги «Алининг майдони» ёқалашиш давраси эмас, балким очиқ, эркин фикр билдириш жойидир. Қонунларимиз ҳам, демократик тамойилларимиз ҳам, мақсаду ниятларимиз ҳам ижобат топадиган давра бор-йўғи очиқ фикрлар тўқнашувидан хулоса қилишдир.

Э.Қораевнинг хатида 1976 йилда ер олиб уй қурганлиги, сўнг уни вақтинча яшаб туриш учун А.Давронов деган шахсга ижарага берганлиги, Давронов эса уйни ўзга шахсга - Хасанова деганга сотиб юборганлиги, муаллиф ўз уйига эгалик ҳуқуқини 1997 йилга келиб суд орқали тиклаганлиги, аммо ҳанузгача ўз мулкини эгаллай олмай юрганлиги, суд қарорлари ижро этилмасдан келинаётганлиги ва шу билан боғлиқ саргонгарчиликлари битилган эди. Хат газетада босилгандан сўнг орадан 1 ой 3 кун ўтгач (?) Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Сайфиев имзолаган 19/320 сонли жавоб хати жўнатилибди. Табиийки, бизга бироз кейинроқ почта орқали келиб тушган бу хатда бироз жўшқинлик, эҳтирос ва «данаги аччиқ» гапларга дуч келиб ҳайрон қолдик. Унда қатъий тарзда газетанинг биринчи саҳифасида раддия беришимиз талаб қилинганлиги айниқса, бизни тараддудга тушириб, «шошириб» қўйди. «Наҳотки? Катта хатога йўл қўйдикмикан?» деган хаёлга бордик.

Жавобларни эса бизга ёзилган, газетада берилган хат матни ва вилоят адлия бошқармаси раҳбарининг раддия сўраган «талабнома»сидан топгандай бўлгачгина, бироз ўзимизга келдик. Келинг, яхшиси уларни биргаликда баҳолайлик!

Б.Сайфиевнинг жавобига қараганда, Э.Қораевга қарашли уй ижарачи Давронов томонидан Хасанова деган шахсга ноқонуний пуллаб юборилган бўлиб, бу ҳақдаги олди-сотди шартномаси 1994 йил 27 июлда судья Н.Тўхтамишев томонидан кўрилиб, бекор қилинган, уйнинг ҳақиқий эгаси Э.Қораев эканлиги эътироф этилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган. Аммо Э.Қораев ўз уйини эгаллай олмасдан яна 3 йил 5 ой «югураверган». Тўғрими, жаноб Сайфиев?

Табиий савол туғилади: нега жаноб Давронов ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулки-уйини ноқонуний равишда сотиб юборади? Бу иш, кечирасизу, жиноят эмасми? Нега суд масаланинг бу тарафини очиқ қолдиради? Ҳеч қурмаса ажрим чиқариб прокурорга хавола қилса бўлмасмиди? Ёки ноқонунийликни кўрмай қолдими? Суд уйининг эгаси кимлигини аниқлаб беришга берибди-ю, нега эгаси 3 йилдан ошиқ вақт ўз уйига киролмасдан сарсон? Давронов ва Хасановалар қайси кўргон ортида ҳимояга олиб келинган?

Б.Сайфиевнинг «талабнома»сига кўра, Э.Қораевнинг уйини ноқонуний эгаллаб турган Хасановани уйдан чиқариш учун берган даъво аризаси Қизилтепа туман суди судьяси М.Хўжамов томонидан 1997 йил 25 декабрда кўрилиб, қаноатлантирилган. Хўш, бу орада Э.Қораевнинг қанча даргоҳларга бош ургани, югур-югури, сарсонгарчилигини тасаввур қилоламизми?

Қарангки, юқори мартабали раҳбарнинг ёзишича, ушбу суд қарори ижро учун суд ижрочисига 1998 йил 12 февралда ўтказилган. Санаб кўринг - 48 кундан кейин! Бир бинода суд қарори ижрочига шунча муддат «йўл юрса», бунинг изоҳи борми? Қизиғи шундаки, Б.Сайфиевнинг жавобига қараганда, бу ишда суд котиби айбдор эмиш! «Эга ва кесими» ҳам борми ё йўқми?

Сўнгра-чи? 12 февралда ижрога қаратиш учун 48 кун ўтиб тушган суд қарори ижрочи қўлида тағин 14 кун ҳаракатсиз ётган. Нега? Сабабини ҳатто жаноб Сайфиев ҳам билмайди. Аммо... бирданига тезлашиб кетган «ижро» ҳам бор, яъни 25 февралда Д.Хасанова вилоят судига норозилик аризаси бераяпти, шу куниёқ вилоят судидан Қизилтепа туман судига ижрони тўхтатиш ҳақида хат «ўқдай» келиб тушаяпти, бу ерда 26 февралдаёқ ижро тўхтатилаяпти. Қизиғ-а! Бу ҳолат баъзиларни «шубҳалантирса» ажабмас. Чунки мулк эгаси Э.Қораевнинг эмас, қонунбузар Давронов ва Хасановаларнинг ноғораси «данғиллаяпти»-да! Ёки шу оддий ҳолатни англаб етиш учун мутаффаккир мантиғи керакми?

Буёғи янаям ишкал. Иш нима учундир вилоят суди «канцелярия»сида 3 ой - 22 майгача «чўзилиб» ётиб қолаяпти. Уй эгаси Э.Қораев эса «чопаяпти, ҳансираяпти»?!.

Ниҳоят, 22 майда вилоят суди «олинг ишни, қарорни бажараверинг» қабилида туман судига жўнатаяпти. Бу гал ҳам иш туман судига «туя гўшти еган»дек нақ 17 кун деганда - 9 июнда етиб келаяпти.

Шу куниёқ ишлар тағин «яшин»ни доғда қолдирарли даражада тезлашади. 9 июнда Қизилтепа туман судига ижрони таъминлаш учун иш келиб тушади-ю, эртаси - 10 июн эрталабдан судга даъвогар Қораев, жавобгар Давронов ва Ҳасановалар «кириб келишади». Бу ҳақда адлия бошқармаси хатида: «10 июл куни улар судга кириб келиб, ижрочига низоли уйни ўзаро келишиб ҳал қилишлари, жавобгарлар ҳар бири 250 минг сўмдан даъвогарга беришни келишганликларини билдиришган. Дарҳол далолатнома тузилган ва шу куни суд уни ажрими билан тасдиқлаган» деб ёзади. Нақадар тезкорлик, англяпсизми?

Э.Қораев эса газетада босилган хатида бу ҳақда ёзади: «Мен суд қарори ижросини сўраб сарсон бўлиб юрсам, 1998 йил 10 июнда судья М.Хўжамов чақириб, уйни қайтариб ололмайсан, яхшиси 500 минг сўмга рози бўлиб қўяқол, деб талаб қилди». Хўш, буни қандай тушунса бўлади? Нега жавобда бу саволга жавоб йўқ, жаноб Сайфиев? Хатда Э.Қораев суд раиси Холиқовга ҳам мурожаат қилганини, у ҳам дўқлаб пулга рози бўлиш талабини қўйганлигини ёзади. Аммо бу ҳолат ҳам жавоб - талабномада назардан четда қолдирилибди. Нега? На рост, на ёлғон демабсиз-ку, муҳтарам адлия бошлиғи?

Аризада Э.Қораев адлия бошқармаси бошлиғи қабулида бўлганлиги, унга «Март ойигача кутиб туринг, уйингизни олиб беришга ёрдам қиламан» деганлиги, айтган пайт борганида «Вақт ўтди, билганингни қил» деган жавобни олиб кетганлигини ёзади. Негадир жавобингизда, муҳтарам Сайфиев, бу ҳақда «ғинг» дейишни ҳам лозим кўрмабсиз. Нега? Шундай гап бўлганми, йўқми? Рад этсангиз, бу ҳақда Э.Қораевнинг хатини кўринг, мақолани ўқинг, ўзидан сўранг, нотўғри ёзган бўлса, бу ҳақда ёздириб олинг, тушунтиринг эди-да! Ёки бундай гаплар эътиборга арзимайди деб ўйладингизми?

Биз юқоридаги факт ва рақамларни сизнинг жавобингиздан олдик, ҳеч нарсани четдан қўшмадик, ишонмасангиз Э.Қораевнинг хатини, жавобингизни яна бир бор ўқиб чиқинг. Жавоб-талабномангизда расмиятчилик рақами ва жумлаларини роса битибсизу улар оғушида ҳақиқий ҳолат ва мантиқни бироз четлаб ўтибсиз, майли, ахир беайб Парвардигорда!

Аммо бир нечта ажабланарли сўзларингизни ҳам жавобсиз қолдиролмадик. Масалан, *«Газета тегишли раҳбариятдан жавоб олмасдан хатни чоп этган, ҳатто суд ҳокимияти ва адлия бошқармасига танқид нуқтаи назари билан адолат, ҳақиқат, инсонпарварлик, ҳуқуқийлик ана шу аснода қурилмоғи керак. Ёки бошқача талқини борми, азиз суд мутасаддилари, а лаббай?»* деган кесатиқ маъносида ёзган деб «ўпкалапсиз».

Қаранг-а, юқоридаги келтирганларимиз - суд мутасаддиларининг ишларини сиз олқишлашингиз мумкин, аммо биз бундай қилолмадик. Негадир, адлия номига «а, лаббай» демасак ҳам, сиз дарҳол ўзингизга олиб, қўшиб қўйибсиз. Шунча лоқайдлик ва сансоларлик қилинганлигини тан олиб, айни пайтда рад этиб, мавжуд камчиликларни англашга қийналибсизу кичкина «кесатиқ»ни зукколик билан англаб олибсиз. Қолаверса, қаёқдан олдингиз «тегишли раҳбариятдан жавоб олиб хабар босиш лозимлиги» ёки «суд ҳокимияти танқид қилиниши» мумкин эмаслигини? Бундай талаб ҳам, тартиб ҳам йўқ-ку!

Ўз талабномангизда «илгари Г.Пардаеванинг хати асосидаги хабар учун ҳам газета раддия берган эди» деб ёзибсиз. Раддия нималигини бироз англаб етишингизни маслаҳат берардик. Биз ҳар иккала тарафнинг эркин фикрига ўрин бергандик, холос.

Гувоҳи бўлганингиз, тўртбеш йил ўз мулкига эга бўлолмай сарсон бўлган шахснинг хатини босиб, янада адолатли, эътиборли бўлишга даъватимизни «асоссиз таҳқир» деб атабсиз, «Таҳририятнинг мақсади нима?» деган савол қўйибсиз, газетамизни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 6, 28-моддалари талабини бузганликда айблабсиз. Аммо кўриб турганингиздек, газетанинг мақсадини айтдик. Ҳеч кимни таҳқирламаганмиз, сиз эса аксинча асоссиз таҳқирланган фуқаро ва таҳқирланган адолат ҳақида сўз юритсангиз маъқул бўларди. Қонуннинг бузилган деб санаган моддаларини эса тўғрисини айтганда ўқимабсиз, мағзини чақмабсиз. Унинг 6-моддасида оммавий ахборот воситаларида Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват, уруш, шафқатсизлик, миллий, ирқий адоват, давлат сири ва ҳоказоларга оид мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урмаслик, шахсий ҳаётига аралашмаслик, тегишли рухсатсиз тергов ва қонуний кучга кирмаган суд қарорларига оид тегишли талаблар қўйилган. Бизнинг хабарда бунга яқин келадиган ҳолат ҳам йўқ-ку! 28-моддада эса оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масаласида гап боради. Демак, бу моддани бузиб бўлмайди, балки бошқа талаблар бузилганда ушбу модда қўлланилиши мумкин. Бу нарса ҳатто шарҳ талаб этмайдиган ҳолатку! Расмий ҳужжатни (талабнома нафақат таҳририятга, балки бошқа раҳбарий идораларга ҳам юборилган) имзолашдан олдин бироз бўлса-да мулоҳаза қилиш лозимлигини маслаҳат берардик, жаноб Б.Сайфиев.

Жавоб-талабномангизда «барча айб Э.Қораевнинг ўзида» деб хулоса қилибсиз. Афсуски, бундай баҳоингизга қўшилолмаймиз. Ушбу сатрларни ўқиган бирор шахс ҳам фикрингизни қўлламаса керак.

Сиз раддия сўрабсиз, уни газетамизнинг биринчи саҳифасида босишни талаб қилибсиз. Бироқ... Сизнинг асоссиз талабингиз ва ўринсиз жавобингизга бизнинг раддиямизни, марҳамат, қабул қилиб олинг...

«Инсон ва қонун» таҳририяти

«ИНСОН ВА ҚОНУН» «ГЕОГРАФИЯ»СИ ёхуд бугунги сонда

Тошкент шаҳридан - 3 та, Тошкент вилоятидан - 2 та, Самарқанд вилоятидан 1 та, Наманган вилоятидан 1 та, Жиззахдан 2 та, Навоий ва Андижон вилоятидан 1 тадан, Қашқадарёдан 2 та, Сурхондарё вилоятидан 1 та мақола чоп этиляпти. Афсуски, Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан таҳририятимизга бирорта мақола, хабар, лавҳа юборилмади. Ваҳоланки, бу ҳудудларда ҳам муаммолар кўп, ҳуқуқий чанқоқлик мавжуд, ҳуқуқий газетамиз аралашиши лозим бўлган «очилмаган қўриқ»лар бисёр.

Жамиятимизда барча соҳа ва жабҳалар ҳуқуқий дастаклар билан бошқарилар экан, ушбу вилоятларнинг адлия, суд, прокуратура, ички ишлар, солиқ, божхона ва бошқа барча идоралари масъул ва мутасаддилари, журналистлари, мавжуд аҳволга бефарқ бўлмаган фаоллари, кенг жамоатчилик ва газетхонлар ҳуқуқий нашримиз билан ўз кўрган-билганларини баҳам кўришса, саҳифаларимизда фаолроқ иштирок этишса яхши бўларди.

Наҳотки, сизларда ютуқлар йўқ, камчилик ва нуқсонлар барчаси бартараф этилган?

Ҳуллас, фаолликка чорлаймиз...

ХАЛҚНИНГ ДУОСИ

2-бетда

«Халқ денгиздир», унинг хоҳиш-иродасига тўсиқ бўла оладиган куч оламда йўқ. Собиқ СССРнинг ичдан зил кетиб, нураб, тарқаб кетиши аниқ бўлгач, марказ раҳбарияти ва унинг жойлардаги гумашталари қандай бўлмасин иттифоқни сақлаб қолиш илинжида турли чора ва тадбирлар изладилар, шулардан бири янгиланган Иттифоқ шартномаси эди. Мазлум халқларнинг ҳаёт-мамоти ҳал қилинаётган бир вақтда Абдуқаҳҳор Иброҳимов жасорат кўрсатиб қалам тебратди, ҳамма нарсани ўз оти билан аташдан қайтмай, лўттибозларни лўттибоз, сохтакорларни сохтакор, деб айтишдан чўчимади.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

ёхуд Асака «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидан автомашина ва эҳтиёт қисмлари ўғрилари фош этилганлиги ҳақида

3-бет

ХАЛҚНИНГ ДУОСИ

Дил сўз

Коинот гултожи инсон ҳақида сўз айтиш мушкул. Чунки ўз феъли-атвори билан ҳар бир одам алоҳида бир олам. Демак, озгина тараддуд, жиндак мулоҳаза ҳамиша лозим бўлади. Агар сиз шаънига сўз айтишга чоғланган шахс ёзувчи, устига устак жамоат арбоби, юртининг ўтмиши, бугуни ва келажаги деб ёниб яшаётган, элнинг назарига тушган инсон бўлса-чи?..

Йўқ, мен кўҳна Шошнинг Кўкча даҳасида туғилиб, вояга етган, ёзувчи, драматург, публицист ва жамоат арбоби сингари юксак эътирофларга сазовор бўлиб, айни пайтда таваллудининг олтмиш йиллигини нишонлаётган Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳақида муносиб сўз айта олиш даъвосидан анча йироқман. Бугунги суҳбат, таъбир жоиз бўлса, икки оғиз сўз бизнинг у киши билан бироз танишлигимиз хусусида, холос.

Мен Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан илк бор мактабда ўқиб юрган кезларим «танишганман», яъни матбуотда лирик, сатирик ҳикоялари билан тез-тез қатнашиб турадиган муаллифнинг «Қоя остида», «Сўнгги нур», «Осмон яқин, ер юмшоқ» каби тўпламларини қидириб, топиб ўқиганман. О, ўша пайтда бу асарлар менинг ўсмир туйғуларимни нечоғли нозик чертганлигини бугун батафсил ифода қилиб беришим жуда қийин.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтавераркан. Некбин ўйларимга эш бўлган мактаб дамлари ҳам ортда қолиб, тизгинсиз орзулар мени пойтахтга бошлаб келди. Талаба бўлдим. Энди толиби илмлар, дўсту ёрлар даврасида, мониёна гурунгларимизда шеърият, адабиёт мавзулари билан бир қаторда ўтмишимиз, улуғ аждодларимиз хусусида ҳам бот-бот фикрлар тилга олина бошланди. Бу саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида «ўзбеклар иши», «пахта иши» ниқоби остида собиқ марказ томонидан сиёсий зулм кучайиб кетишига жавобан халқимизда, айниқса, зиёлилар орасида зўравонликка қарши қаҳр-ғазаб, нафрат туйғулари жўш уриб, миллий уйғониш юз бера бошлаганидан далолат эди. Айниқса, бу ҳол тез орада Талабалар шаҳарчасида анча ошкора тус олди. Ушбу шаҳарчада сал бўлмаса унутилаёзган қадимий ва гўзал байрамимиз Наврўзи олам ёки она тилимизга бағишлаб ўтказилган йиғинларда миллий озодлик ҳаракати ҳақида шиорлар янгради. Йиғин қатнашчиларининг кўпчилиги ўз номи билан ўт-олов ёшлар эмасми, баъзан ҳайқириқ, даъватлар ҳаддан зиёд кучайиб кетарди.

Ана шу талотўм авж олган кезларда мен Абдуқаҳҳор Иброҳимовни яна «учратдим». Бу дафъа у публицист сифатида намоён бўлиб, халқни, ёшларни «стихияли» йўлдан воз кечиб, онгли равишда зиёлиларча иш тутишга чақирди, озодликка фақат маърифат билан эришиш мумкинлигини тарғиб этди. Газета ва журнал саҳифаларида тил муаммосини демократик тарзда, қонун йўли билан ҳал этишни қўллаб-қувватловчи илмий теран ва асосли, таъсирчан ўнлаб мақолалар ёзиб, радио ва телевидение орқали узлуксиз чиқишлар қилди. Бу мақолалар нафақат республикамиз аҳолиси ўртасида, балки қўшни республикаларда яшовчи ўзбеклар орасида ҳам акс-садо берди, чунки уларда халқимизнинг асрий орзу-умидлари мужассам эди. «Тилнинг тириклиги - халқнинг мавжудлиги» деб номланган мақолада шундай ёниқ сатрлар борки, ўқиган кишини ҳаяжонга солмай қўймайди: «Тилнинг тириклиги - халқнинг мавжудлиги. Тилсиз халқ йўқ. Тили ўлган халқнинг ўзи ҳам йўқолган. Тил ва халқ жон ила тан. Булар қарор топган ва ҳимоя қилинган тупроқ Ватандир. Ўзбекистон ўзбек халқи ва тили учун шундай тупроқ Ватандир».

«Халқ денгиздир», унинг хоҳиш-иродасига тўсиқ бўла оладиган куч оламда йўқ. Собиқ СССРнинг ичдан зил кетиб, нураб, тарқаб кетиши аниқ бўлгач, марказ раҳбарияти ва унинг жойлардаги гумашталари қандай бўлмасин иттифоқни сақлаб қолиш илинжида турли чора ва тадбирлар изладилар, шулардан бири янгиланган иттифоқ шартномаси эди. Мазлум халқларнинг ҳаёт-мамоти ҳал қилинаётган бир вақтда Абдуқаҳҳор Иброҳимов жасорат кўрсатиб қалам тебратди, ҳамма нарсани ўз оти билан атащдан қайтмай, лўттибозларни лўттибоз, сохтакорларни сохтакор деб айтишдан чўчимади. «Қалбим нотинч» номли туркум мақолаларида муаллиф бу шартномани «учинчи тузоқ» деб атади ва халқни тузоққа тушмасликка даъват этди.

Миллат тақдирида муҳим ўзгаришлар кутилаётган бир паллада «марказ»нинг мустамлакачилик сиёсатини рад этиб, миллий истиқлол ғояларини таннум этган адиб халқнинг дуосини олди, элнинг тилига тушди. Кўп қатори биз талабалар ҳам ўша кезлари Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг сиёсий, ижтимоий соҳалардаги чиқишларини мамнуният ва ҳавас билан кузатиб, ўзимиз учун зарур бўлган мулоҳазаларни ён дафтарчамизга қайд этиб борардик. Шу эҳтиром сабаб бўлса керак «Ёшлик» журналининг 1991 йилги сонларидан биридаги «зиёли ким?» деган анкета саволига жавоб бериш асносида мен Абдуқаҳҳор Иброҳимов каби ижодкор зиёлилар Президентимиз атрофида кўпроқ жипслашишса, истиқлолимиз абадий бўлади, ислоҳотлар жараёни тезлашади, дея ният қилган эдим. Ниятим холис экан, орадан маълум фурсат ўтиб, Абдуқаҳҳор Иброҳимов Президент Девонига ишга таклиф қилинганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитдим.

Одам боласи эртанги кун ҳақида фол кўрмас экан. Ўшанда пайти келиб, хизмат тақозоси билан Абдуқаҳҳор Иброҳимовни учратаман, у кишидан бир мақола ва «Уйқу келмас кечалар» романидан парчалар олиб, «Туркистон» газетасида чоп эттираман деб сира ўйламаган эдим. Тақдирни қарангки, ҳатто Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик Марказида шу зиёли инсон билан бирга ишлаш ҳам насиб этди менга. Яқиндан таниганим, билганим сари Абдуқаҳҳор аканинг тафаккур доираси ва қамрови кенг, теран ижодкор эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Унинг публицистик асарларида ёзувчининг бадиати ва олимнинг чуқур мушоҳадаси уйғунлиги боис улар бадиий юксаклик ва чуқур мазмун касб этади.

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ижоди ва жамоатчилик фаолияти хусусида матбуот саҳифаларида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган. Аммо ижодкорнинг одамийлик фазилатлари ҳақида алоҳида китоб ёзса арзийди. Бўлажак ёзувчи болалигидан ислом дини ақидалари асосида ва ўзбекона миллий анъаналаримиз руҳида тарбия топган. Оилавий муҳити ҳам, яшаган, униб-ўсган шароити ҳам унинг шу руҳда тарбия топишига омил бўлган.

Адибнинг ички дунёсига кенгроқ назар ташлаш учун унинг ҳаётидан олинган бир лавҳага эътибор қилишнинг ўзи кифоя. Табиатан байналмилалчи дунёқарашли ёзувчининг машҳур рус адиби ва драматурги Николай Вирта билан шогирд ва устоз сифатида ҳамфикр, маънавий яқинлиги бор эди. Улар ўртасидаги муносабат ҳар қандай ғаразу таъмалардан ҳоли, самимий инсоний муносабат бўлиб, машҳур рус адиби кексайган чоғида навқирон ўзбек ижодкори билан танишув, дўстликни тақдирнинг катта иноятидеб билди. У 1975 йилнинг декабрида, олтмиш тўққиз ёшга борганида бетобланиб қолади. Дилида ҳаёт шоми яқинлашаётганини сезади. Ўлимни бўйнига олиб, охират сафарига тайёргарлик кўришга киришади. Бу ишни васиятнома ёзишдан бошлайди. Ўзининг балоғат ёшига етган, уй-жойли бир қизи ва икки нафар ўғли, бир неча неваралари бўла туриб, васиятномани дини, миллати, тили мутлақо бошқа одамга - Абдуқаҳҳор Иброҳимов номига ёзади. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

«Менинг Васиятномам. Москва. 1975 йилнинг 7 декабри. Мен, Николай Евгеньевич Вирта ўзимнинг ушбу хатти-ҳаракатимга онгли равишда масъулият сезган ҳолда, ақл-ҳушим жойида бўлган ҳолатда мазкур Васиятномамни Абдуқаҳҳор Абдусаматович Иброҳимовга ёзмоқдаман. Гарчи отаси бошқа бўлса-да, мен уни ўзимнинг маънавий ўғлим деб биламан. Мен ундан - Абдуқаҳҳор Иброҳимовдан ўтинаман ва унга қуйидагиларни буюраман:

1. Мен вафот этгач, жасадимни Переделкино қишлоғидаги қабристонга - онамнинг қабри ёнига дафн этгин...»

Васиятноманинг бундан кейинги моддаларида уй-жой, мол-мулк ва шу кабиларга ворислик ҳуқуқи Абдуқаҳҳор Иброҳимовга берилган бўлиб, унинг муайян қисмини меросхўрлардан қайси бирларига тақсимлаб бериш, қайси бирларини меросдан маҳрум этиш кўрсатиб ўтилган эди. 1976 йилнинг январида Николай Вирта вафот этгач, васиятнома мазмуни маълум бўлади ва Москва адабий жамоатчилиги ўртасида катта шов-шув кўтарилади. Марҳумнинг оила аъзолари, меросдан бир улуш олишдан умидвор айрим хеш-ақраболари типирчилаб қолишади. Ахир, Переделкинодаги икки қаватли иморату бир гектарлик дала ҳовлидан, ундаги бой кутубхонадан, тўриқ оту отхонадан, қолаверса, йигирма беш йил давомида муаллифлик ҳуқуқи бўйича тўланадиган қалам ҳақидан маҳрум бўлишнинг ўзи бўладими?

Хуллас, воқеадан хабар топган Абдуқаҳҳор Иброҳимов Москвага зудлик билан етиб келади ва ҳар хил майда-чуйда гапларга эътибор бермай, васиятноманинг маънавий жиҳатларини адо этишга киришади: марҳум онасининг қабри ёнига дафн этилади, тўққизлик, йигирмалик ва қирқлик маъракаси маросимлари ўтказилади. Шундан кейин ёзувчининг маънавий ўғли мол-мулк, уй-жой, қалам ҳақига оид қонуний ҳуқуқларидан марҳумнинг оила аъзолари ва Адабиёт жамғармаси фойдасига воз кечади. Унинг бу қароридан биров ажабланса, биров ҳайратланади: «Наҳотки, ҳаётда шундай одамлар ҳам бор бўлса?!.»

Ҳа, Абдуқаҳҳор ака ана шундай диёнатли одам, қалбан, фикран ҳалоллик, тўғрилик, софлик тарафдори ва тарғиботчисидир. У киши дўстга, халққа, ижодга ниёнатни энг оғир гуноҳ деб билади. Шу боис бўлса керакки, нима ишга қўл урмасин, элнинг назарига тушади, юқорида айтганимиздек, кўпнинг дуосига сазовор бўлади. Халқнинг дуоси эса бамисоли раҳмат ёмғири, инсонни кўкартиради, кўкларга кўтаради.

Сирожиддин РАУФ

Суратда: маданиятимизнинг таниқли арбоблари- (ўнгдан) Абдуқаҳҳор Иброҳимов, актёр Ёқуб Ахмедов ва режиссёр Носир Отабоев.

«МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН»

Акс-садо **(«Инсон ва қонун», 1999 йил 27 июл)**

Газетангизда эълон қилинган «Мен дардимни кимга айтаман» номли мақола Жиззах вилоят суди томонидан ўрганилди. Муаллиф Маъмура Исоқова Зомин туман судига иш ҳақини ундиришлик ҳақида 1999 йилнинг 8 февралида мурожаат этган.

Унинг аризаси Зомин туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 149-моддасига биноан, қонун билан белгиланган тартибда берилмаганлиги, асослантирилмаганлиги, иш ҳақи миқдори ва бу тўғрисида маълумотнома, ишга қабул қилинган ва бўшаганлиги ҳақида буйруқлар нусхаси йўқлиги сабабли тегишлича расмийлаштирилиши лозимлиги асосида қайтарилган, Исоқовага бу ҳақда тушунтирилган.

Аммо Исоқова қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат этиши лозимлиги талабини бажармасдан газетага шикоят ёзишни афзал кўрган.

Даъвогарга тағин бир бор ФПКнинг 149-моддаси талабини тушунтирамиз, яъни:

Аризасида фамилияси, исми, яшаш жойини тўлиқ кўрсатишини;

жавобгар ташкилот, хўжаликнинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилишини;

даъвогарнинг талаби тўлиқ кўрсатилишини;

даъвонинг баҳоси, қиймати кўрсатилишини;

даъво талабларининг асоси ва бу асосни тасдиқловчи ҳужжат ва далилларни;

даъво аризасига илова қилинган ҳужжат ва далилларни даъво аризаси билан судга тақдим қилиниши лозим.

Бундан ташқари қонунга кўра даъво аризаси жавобгарлар сони миқдоридаги нусхаларда берилиши кераклигини ҳам уқтирамиз.

Суд аризани ана шу талаблар асосида расмийлаштиришни талаб қилиб қонуний иш тутган. Даъвогар М.Исоқовага кўрсатилган талаб асосида иш тутишни маслаҳат берамиз.

Шунингдек, даъво суммаси тасдиқланган тақдирда, пул қийматининг 1995 йилга нисбатан қиймати ўзгаришини инобатга олиб ундирилиши мумкинлигини ҳам билдирамиз.

Б.НОРХЎЖАЕВ,
Жиззах вилоят судининг раиси вазифасини бажарувчи

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муҳтарама Маъмура Исоқова! Ушбу жавобни ўқиган ходимимиз беихтиёр «Ана шунақа!» деб хитоб қилиб юборди. Биз ҳам унга қўшилдик. Дардингизни қонуний ҳолда «айтсангиз» эшитадиган жой бор экан-ку! Сиз эса у жойни излаб юрибсиз-а...

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Осойишталик вақтингизда кўпроқ ҳушёр бўлинг. Қийфат етганда сабр қилинг. Танглик вақтида фаровонликни ўйланг ва фаровонлик пайтида тангликни ёддан чиқарманг.

***

Жоҳил озор тил билан дошманданг тойиб келса, ажаб эмас, чунки тош ҳам жавоҳирни синдиради.

***

Бировнинг мулкига эгасидан ҳам жонкуяроқ бўлинг. Бировнинг уйида катталик қилманг. Ноқас одамни уйингизга йўлатманг. Кексаларга сўзини ҳор қилманг.

***

Емонларга раҳм қилиш яхшиларга ситам етказишдир. Золимларни авф қилмоқ дарвешларга жабр қилишдир.

***

Ғирт ва иқлимсарларнинг ризқини кесинг. Ёмон қўшнидан қочинг. Ноқаслар ва бадасллар билан иш юритманг. Бировнинг ерига дарахт экманг.

Ҳусайн Хефзийнинг «Насиҳати ҳукамо ва мақолоти кубаро» асаридан

ҚОРА ЗАНЖИР КОМИДА

Гиёҳвандлик - қора занжирнинг метин мушаклари сингари нафс бандаларини ўз домига тортади. Яхшиямки, орамизда унга қарши кураша оладиган метин иродали, фидойи инсонлар кўп...

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Осон йўл билан пул топаман, ҳалол луқма бўлмаса-да, еб ютиб юбораман, деган кимсаларнинг қабиҳ ҳаракатлари биринчи навбатда моддий зарар етказса, иккинчи томондан жамиятни маънавий-руҳий жиҳатдан емиради. Шу маънода жиноят моддий нуқтаи назардан катта-кичикка ажратилса-да, унинг намоёнлиги қиёфасини ўлчаш учун бирор мезон йўқ. Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими томонидан амалга оширилаётган тезкор тадбирлар натижасида бир қанча жиноий хатти-ҳаракатлар фош этилди, уни содир этган шахсларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди.

Маълумки, сўнгги вақтларда гиёҳванд моддалар етиштириш, савдо-сотиқ қилиш, уларни қонунга зид равишда истеъмол қилиш ҳолатлари ниҳоятда кўпайиб бормоқда. Жиноятнинг бу тури худди қора занжирнинг метин мушаклари сингари нафс бандаларини ўз комига тортаётир. Гиёҳванд модда билан жиноий ишга қўл ураётганлар орасида айниқса навниҳол ёшларимизнинг тез-тез учраб туриши кишини ранжитади. Шу йилнинг 2 август оқшомида Ангрен шаҳар Дўстлик кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1974 йилда туғилган Раҳим Ғиёсов 1948 йилда туғилган А.Кислухинани тўхтатиб, қўрқитиб, талончилик йўли билан пул талаб қилган. Сергак йигитларимиз олиб борган тезкор ҳаракатлар натижасида йўлтўсар ўша куниёқ қўлга олинди. Шаҳарнинг 45-даҳаси 2-уй, 1-кириш йўлакчасида соат 15^{30} ларда пайдо бўлган икки ўспириннинг хатти-ҳаракатлари шубҳали туюлди. Қўриқлаш бўлими ходимларининг эҳтиёткорлик билан олиб борган назоратлари натижасида мазкур ўсмирлар жиноят устида қўлга олиндилар. Маълум бўлишича, ёнидан 0,65 грамм героин моддаси топилган Ю.Бахметов 1980 йилда, тожикистонлик фуқаро Э.Шамсутдинов 1983 йилда шахслар туғилган экан. Ҳали ўн саккиз баҳорни кўришга улгуриб-улгурмаган ёшлар қандай қилиб бундай қабиҳ йўлга кириб қолдилар экан, деган савол кўнданг бўлиши билан дарҳол унга жавоб ҳам топилгандай бўлади. Ўрта ёшдагиларни қўя турайлигу ёши бир жойга бориб, етмишни қоралаб қолган «нуронийларимиз»нинг ҳам шу соҳада «жавлон ураётган»ларини кўриб, ёқа ушлайди киши. 1938 йилда туғилган Н.Шукуров ҳовлисининг 9 метр майдонига кўкнори ўсимлигини экканлиги аниқланди. Яна ҳам ҳайратланарлиси, уларнинг сафида аёл оғуфурушларнинг ҳам борлигидир. 1933 йилда таваллуд топган М.Майдонова қонунчиликдаги чеклашлар ҳамда жиноий жавобгарлик ҳақида маълумотга эга бўлса-да, ҳовлисидаги 2 метр квадрат майдонда мазкур ўсимлик парвариши билан шуғулланар экан.

Юқоридаги шахслар-[illegible] қўлга олинган. Оғуфурушлар орасида ўн етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қарияларнинг мавжудлиги масаланинг айни маънавий-руҳий жиҳатига эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, бир томондан «Қари билганни пари билмас», «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» сингари мақолларни эсга олсак, иккинчидан ушбу иммонини йўқотган кимсаларга қараб «қариб қуюлмаганлар» дегингиз келади.

Ички ишлар ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ўз фаолияти давомида фақатгина жиноятни фош этиш эмас, балки унинг олдини олиш борасида ҳам изчил, аниқ режалар асосида иш олиб бораётир. Хусусан, 1999 йилнинг ярим йиллигида 19 та янги иншоотлар қўриқлашга топширилди. Олти ой давомида жами 108 та хўжалик объектлари милиция томонидан қўриқлашга олинди. Иш жараёнида бўлим томонидан 55 та махсус тадбир ўтказилиб, 59 нафар шахс ушланди, улардан олинган моддий бойликлар қиймати ҳақида эмас, маънавий қиймати тўғрисида фикрлайдиган бўлсак, бу анча-мунча салмоққа эга рақамлиги маълум бўлди. Бўлимимиз ходимлари корхона-ташкилотларда суҳбатлар уюштириб, тушунтириш ишларини ҳам олиб боришаётирки, бу нарса жиноий занжирга келиб қўшилиш истагида тараддудланганлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир.

Сир эмаски, ички ишлар тизимида меҳнат қилаётганлардан ниҳоятда кучли зеҳн, куч-қувват эгаси бўлиш талаб этилади. Сафдошларимиз касб-маҳоратларини оширишлари учун 19 та иншоотда янги КЕСТ воситаси ўрнатилди. Тартиббузарликка, жиноятчиликка қарши кураш олиб боришлари, берилган топшириқни фидойилик билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ходимлар байрамларда имкон қадар моддий рағбатлантирилмоқдалар. Мустақиллик куни ҳамкасбларимиз қаторида қарилик гаштини сураётган барча фахрийларимизни ҳам байрам дастурхонига таклиф этдик. Қўриқловчиларимизга бундай иззат-икром, ҳурмат-эътибор кўрсатилиши ишларимизда кўплаб ютуқларнинг қўлга киритилишида, шаҳримизда номақбул ҳаракатларнинг тобора камайишига ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

Миржамол ИСАМЕТОВ,
Ангрен шаҳар ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги

Журналист текшируви

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?

Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарларининг сотилишини бартараф этиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг олдини олиш, шунингдек, озиқ-овқат товарлари савдосида тартиб ўрнатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилганига яқинда бир йил тўлади. Хўш, бу қарорнинг ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда?

Қарор эълон қилингач, озиқ-овқатлар, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари савдоси бирмунча тартибга кириб қолган эди. Бироқ кейинги пайтларда ўтказилган текширишлар мазкур қарорнинг ижросига кам эътибор берилаётгани, сусткашлик, лоқайдлик, муросасозликка йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Биз Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Қамаши, Ғузор, Косон туманлари марказий бозорлари ва қишлоқларидаги бозорларни кузатганимизда, озиқ-овқат маҳсулотлари зарур даражада жиҳозланган савдо дўконларида эмас, истаган жойда, амалдаги қонун талабларига зид тарзда сотилаётганига гувоҳ бўлдик. Қарорнинг 2-бандида шундай дейилган: «Мазкур қарорнинг 1-банди бажаришини таъминлаш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига ва Ички ишлар вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига юклансин». Биз юқорида қайд этилган туманларда бўлиб, туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва солиқ инспекцияларидан қарор ижроси бўйича қилинган ишлар юзасидан ахборотлар олдик. Тўғри, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Косон туманлари бозорларида тартибга бирмунча риоя қилиб, савдо дўконлари кўпайтирилган. Бироқ айни пайтда бозорларда сигаретлар сотилиб, санитария кўригидан ўтмай, тайёр овқат сотиб турган аёлларни кўп учратиш мумкин. Энг ёмони - бозорлар ичида жойлашган хусусий ошхоналарда ширинча ароқ сотилаётгани ҳам сир эмас. Ҳатто Косон бозоридаги иккита хусусий савдо дўконига туман ҳокимлиги алкоголли ичимликлар сотишга рухсат бериб қўйганига нима дейсиз?

Қашқадарёнинг туманларидаги қадимий бозорлар ўзининг хуштаъм таомлари билан машҳур. Ҳанузгача узоқ-узоқлардан келган меҳмонлар ўша таомлардан тановвул қилишни исташади. Бу таомларни пишириб, сотишни тақиқлаш ҳам истеъмолчилар ҳуқуқини чеклашга олиб келиши мумкин. Масалан, Чияли бозорида тайёрланадиган яхна гўшт ёки парварда, Қалқама бозорининг қовурилган балиғи ёки Шаҳрисабзнинг ширмойи нони, Ғузорнинг тандир кабоби, Косон бозорида тайёрланадиган угра палов шундай машҳур таомлардан. Уларни тайёрлаб сотишни тақиқлашни ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Бироқ ўша бозорларнинг мутасаддилари миллий таомлар сотилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб, хўрандалар талабига мос овқатланиш масканларини барпо этишлари керак-ку? Шундагина истеъмолчилар ишонч билан бамайлихотир ўтириб овқатланишади, ҳордиқ чиқаришади. Ҳукуматимиз қарорининг талаблари ҳам айнан шуни тақозо этади.

Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Жиноят жазосиз қолмайди

БОСДИЛАР БИЛИБ ТИКАННИ

ТЮРМАДАГИЛАР ЖАЛАБГИНИ...

Тавбасига таянмаган одам эртанги йўлини аниқ кўра олмайди. «Тавба бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилик йўлининг бошланишидир», дейди буюк мутафаккир Алишер Навоий. Ҳақ гап. Навоий айтганларидек, тавба — бандасининг нафс балосига тобе бўлиш йўлларини тарк этишидир. Инсон боласи хато йўлга кириб, шу туфайли эл ҳурматидан қолаётганини сезса-ю, иккинчи марта яна шу хатолик йўлига юрса, уни бир азоби икки бўлади, ўз оёғи билан ўзи жаҳаннамга қулайди. Ақлу фаросатли инсон учун бу тушунарли гап. Аммо, минг афсус, орамизда ҳамон шундай одамлар учраяптики, «Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини», деган мақолнинг маъносини тушунмайдилар. Ўзларига, оиласи, бола-чақасининг шаънига нолойиқ ишлар қилиб «Билиб босдим тиканни, тортадурман жабрини», деб афсус ила яшайверадилар.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида яқинда бўлиб ўтган бир суд мажлиси ана шундай кишиларнинг кўзи очилишига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Қилмишларига яраша жазо олиб, бир неча йилдан ахлоқ тузатиш жойларида «бўлиб» қайтган уч оғайни — учқўрғонлик Файзулла Парпиев, Наманган туманида яшовчи Жаҳонгир Файзуллаев ва Холмамат Жўраевлар «Кўр кўрни қоронғида топади», деганларидек бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишиб, дўстлашиб, улфатчилик қила бошладилар. Уч-тўрт ўтиришлардан сўнг ёнларига шу туманда яшовчи Баҳодир Умаровни ҳам қўшиб олдилар. «Улфати чор — унда маза бор» деганларидек, тўрт оғайнининг ўзларича «кайфу сафо» деган ўтиришлари одат тусига кириб қолди. Бу тўрт ҳаромхўр йигитлар даврасига ўзининг кимлигининг тайини йўқ, турар жойи ва касб-кори номаълум бўлган Холида исмли дайди аёл ҳам қўшилади. Яхши еб-ичиш ва маишат қилиш учун эса бу такасалтангларга пул топиш лозим эди.

Ўғрилар жиноий ишга тил бириктириб, 1998 йил 2 сентябрга ўтар кечаси Давлатободдаги 6-кичик туман 40-уй, 6-хонадонда яшовчи Тўрабоевнинг уйига мўралайдилар. Уйдан овоз чиқмасди, ҳаммаёқ жим жит. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, ойнани синдириш йўли билан ичкарига кириб, хонадондан нархи 96.900 сўмлик 15 хил буюмларни ўғирлаб, пулини тақсимлаб олдилар. 2х3 ҳажмдаги турк гилами эса Холидага тортиқ қилинди.

«Текин овқат тешиб чиқмас», деб мўмай пулларни тезда еб тугатган эсипаст ўғрилар бир неча кун маслаҳатлашиб, режа тузишди. Бу сафар тижорат ишлари билан шуғулланувчи Маҳмуджон Бадаловнинг уйи нишонга олинди. Йигирма бешинчи мартдан йигирма олтинчига ўтар кечаси Охунбобоев кўчасининг 62-хонадонида жиноят қуролларини тайёрлаб, Самарқанд кўчасида яшовчи Маҳмуджон ака турадиган 45-уйга ертўла орқали яшириниб киришади. Ертўладан Файзулла, ундан кейин юқорига чиққан Жаҳонгир қоронғида ухлаб ётган Ҳасан-Ҳусан болалардан бирининг устига йиқилиб тушади. Уйғониб кетган болалар қўрққанидан додлаб юборади. «Овозларингни чиқарсанг, ўлдираман», деб пўписа қиладилар. Аммо, фарзандининг қўрқинчли чинқириғидан ҳушёр тортган ота-она — Маҳмуджон ака билан унинг хотини шу ондаёқ Ҳасан-Ҳусаннинг бошида пайдо бўлишган эди. Файзулла бирдан ҳужумга ўтиб, Маҳмуджон аканинг бошига таёқ билан туширади. Хушидан кетиб, йиқилган Маҳмуджонни кўриб, юраги ёрилган хотини «Болаларимга тегманглар, бор нарсамизни олиб кетаверинглар, ҳаммасини олинглар!», деб уларга ёлборади. Баҳодир дарров пул талаб қилади ва «Дамас» машинанинг калитини беришни сўрайди. Жон ширин эмасми, аёл дарров машина калитини чиқариб беради. Маҳмуджон аканинг захаланган бошидан қон чиқаётганини кўрган Жаҳонгир шакар топиб келишни буюради ва келтирилган шакарни Маҳмуджон бошининг қонаётган жойига сепиб, боғлайди. Қолганлар уй эгаларининг сахий чиқиб қолганидан ҳовлиқиб, бор нарсани «Дамас»га босадилар. Уйда латта-лутта, озиқ-овқат, тақинчоқлар, магнитафонларгача қолдирмай — ҳаммасини шипириб-судраб машинага ортиб, ўғирлик моллари Баҳодирнинг Норин туманидаги божасининг уйига элтиб яшириш учун рулни шу томонга бурадилар. Аммо улар божанинг уйига етиб боришолмай, йўлда ички ишлар бошқармасининг ҳушёр ходимлари қўлига тушадилар.

Жиноят жазосиз қолмайди. Бундан олдин ҳам жиноят қилиб, жазо олган, шундан кейин ҳам тавбасига таянмаган бу нодон ўғриларнинг жиноий ишини шу йил август ойида Учқўрғон туман судининг судьяси Х.Холмирзаев раислигида кўриб чиқиб, судланувчи Парпиев Файзулла ўн саккиз йилга, Умаров Баҳодир ўн уч ярим йилга, Файзуллаев Жаҳонгир ўн икки йилу 9 ойга, Жўраев Холмамат тўрт йилга, Мираҳмедов Ёдгор 12 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу ўринда бир нарсани очиқдан очиқ айтмоқчимиз. Биз — ҳуқуқ-тартибни ҳимоя қилувчи ва жамоат тинчлигини сақловчи ходимлар ҳамон халқ орасида ҳуқуқ-тартибот тўғрисида етарли тушунтириш ишларини олиб боролмаяпмиз. Айниқса, бир-икки марта жиноят содир этиб, жазони ўтаб чиққан, бугунги кунда орамизда аралашиб юрган кишилар ҳақида вақтида ўйламаяпмиз. Улар иш билан таъминландими-йўқми, қаерларда нима қилиб юришибди, яхши назорат олиб бормаяпмиз. Натижада улар яна жиноят йўлига кириб олиб, халқнинг тинчлигини бузяпти.

Келинглар, азизлар, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик. Севимли шоирамиз Анбар Отиннинг:

«Эгри юрса юрмағил сен ул тарафға ўнгу сўл,
Кимки эгри йўлда юрса, сен ани этма қабул»

деган шеърига амал қилайлик. Ёки яна бир шоиримиз Алмаий ёзиб қолдирган қуйидаги сатрларни доимо эсда сақлайлик:

«Кимки хиёнатга қўйибдур оёқ,
Охири шармандаи расво бўлур.
Хийла илондурки икки боши бор,
Неча зарар ҳар бири пайдо қилур».

Забихилло МАДРАҲИМОВ,
Учқўрғон туманлараро прокурори ўринбосари,
З. ДЎСМАТОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ 1950 йил Андижон вилояти Пахтаобод туманида туғилган. 1977 йили Тошкент Давлат Университети юридик факультетини тугаллаб, Тошкент ва Наманган вилоятлари прокуратураларида терговчи, прокурор ёрдамчиси вазифаларида ишлаган. 1995 йилдан буён Тошкент вилоят судида судья лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Оилали. 3 фарзанднинг отаси.

Қилмиш-қидирмиш

ҚУРТЛАГАН ОЛМА...

...фақат киши таъбини хира қилиши, иштаҳани бўғиши мумкин. Лекин шундай мева орасида атай жойлаштирилган «қурт»лар эса...

Савдогарчиликни ота мерос деб тушунган Тоҳиржон Эгамбердиев тижорат ишлари билан шуғулланишга киришиб кетди. У оиласи билан Россия Федерациясининг Абакан шаҳрига қатнай бошлади. У ерда янги дўстлар орттирди. Шундай дўстлардан бири Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятидан Расулжон эди. У Россиядан машина олиб ҳайдаб кетишга одам ёлламоқчи бўлиб турган экан. Тоҳиржон унга жуда қўл келди. Икковлон хизмат ҳаққига келишиб, йўлга тушадилар. Машинани елдек учириб боришаётиб, ўзларига ўхшаган яна бир кимсага дуч келадилар. Ўзини Абдулла деб таништирган йигитга Тоҳиржон дардини тўкиб солади. «Абдуллажон» унинг арзини тинглар экан, Ленинободга етиб борганларида танишбилиш қилиб енгилроқ иш топиб беришликка ваъда бериб, «Ана шунда ҳамма қарзларингдан қутулиб оласан», деб юпатади.

Россиядан Ленинободга кетиб бораётган ушбу улов «эгаси»нинг ҳам «Опель» русумли автомашинаси бўлиб, уни Тоҳиржоннинг божаси бошқариб борарди. Божа Ленинободга етиб келишгач, ортига қайтади. Тоҳиржон Ғофуров шаҳарга 1998 йил 18 декабр куни машина эгаси Расулжон ака билан етиб келишди. Расулжон яна Тоҳиржонни уч кеча-кундуз меҳмон қилди. Бу вақт орасида бойиб кетишлигига кафолат берган Абдуллажон унинг қўлига бир халта тутқазди.

- Йўқ, - деди Тоҳиржон, - менинг ундай ишларга уқувим йўқ, йўлда машинани текшириб қолишса-чи, - дея эътироз билдиради.

Бироқ Абдулла унинг эътирозидан хафа бўлмади.

- Ҳай, майли, менинг ўзим бу халтани чегарадан ўтказиб бераман, у ёғига ўзинг эпларсан. Бор-йўғи Бўкадан Қорасувгача олиб бориб берсанг, 500 АҚШ доллари сеники! - дейди.

...Тоҳиржоннинг машинасини Қорасув йўлида Давлат автомобиль назорати ходимлари тўхтатдилар. Уларнинг эътиборини машина олди ўриндиғининг пастки қисмида олма-нок билан тўлдирилган оқ халта тортади. Уни холислар иштирокида очиб қарашганда «коса тагидаги нимкоса» ҳам кўриниб қолади.

Одатда биз олма-нок каби меваларнинг қуртлаганини кўп шоҳиди бўлганмиз, аммо улар орасида қуртдан хавфлироқ ва хунукроқ нарсалар атай яширилган бўлсачи... Оз эмас, кўп эмас, нақд 8465 грамм «опий» гиёҳванд моддаси олма-ноклар тагида яширириб ётган экан.

«Текин танни тоза қилади» деб ўйлаган Тоҳиржон текин ейишнинг жабри ҳам борлигини, бу қилмишлари ўз яқунини топганида қанчадан-қанча оилалар ёстиғини қуритиши мумкинлигини тамоман ҳис қилди. Бироқ кеч ҳис қилди. Унинг ҳамтовоқлари эса думини тутқазмай жуфтакни ростлашди. Суддов ҳайъати аъзолари судланувчи Тоҳиржон Эгамбердиевни мол-мулки мусодара қилиниб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилдилар.

Жиноий ишларни амалга оширишда жиноят қуроли ҳисобланган «Опел» русумли 11 Д 93-37 давлат рақамли автомашина ҳам мусодара қилинди. Далилий ашё ҳисобланмиш, инсонлар ҳаётининг хавфли душмани, умр оғуси бўлган 8465 грамм опий ҳукм кучга кирган кундан эътиборан йўқ қилиб ташланди.

Бундай воқеалар иш тажрибамизда жуда кўплаб учрайди. Наркобизнес билан шуғулланувчиларнинг пайини қирқишда, сонини камайтиришда, бартараф этишда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига тегишли Бўка тумани Бўстон ҳудудидаги «Турон» маскани 11 алоҳида бўлими ходимларининг хизматларини айтиб ўтмоқ жоиздир.

Айниқса, шу бўлим командири Бахтиёр Ортиқхўжаев ва бўлим катта нозири Тоҳир Абдуллаевларнинг кўрсатган жасоратлари таҳсинларга сазовордир. Улар инсон умрининг кушандаси бўлмиш ҳар хил кўринишдаги «опий», «героин», «наша», «марфи» каби оғуларни «эгаларига» етказмай йўқ қилиб ташламоқдалар. Бу билан инсонлар умрига умр қўшиб бормоқдалар, десак ҳам муболаға бўлмас.

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,
Тошкент вилоят судининг судьяси

Воажаб! Ажабланманг, мулкдорлар!..

БОЗОРҚЎМНИНГ НАЙРАНГИ

Ҳурматли муҳаррир! Арзимни охиригача тингланг. Ахир, Президентимиз юргизаётган сиёсат, мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, билмаганини ўргатиш, босқичма-босқич бозор муносабатига ўтиб бориш, инсон ҳуқуқини ҳимоялаш борасидаги жон куйдириб айтаётган ва кўрсатаётган йўл-йўриқлари қачон биз оддий одамларгача етиб келади? Ахир бу имкониятлар фақат айрим мансабдор, ҳаром-хариж йўл билан пул топаётган пулдорлар, оғзи катта фирибгарлар учунми?

Умрим деҳқончиликда ўтди. Ўн нафар фарзандим бор. Салкам 20 йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб, пенсияга чиқдим. Қилган хизматларим давлатимиз томонидан қатор-қатор орден-медаллар билан муносиб тақдирланган. Тақдиримдан нолимайман. Пенсионер бўлишимга қарамай, болаларим билан биргалашиб, юртимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқдаман.

Энди асосий масалага ўтсам: мен Жиззах вилоят биржаси эълон қилган мурожаатни ўқиб қолдим. Унда Пахтакор туманидаги «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятига тегишли бир бино кимошди савдосида сотилиши айтилган эди. Бинонинг қурилиш сметасидаги таннархи 50 минг сўм бўлиб, у 1971 йил қурилган экан.

Бу бинонинг сотилишига асосий сабаб «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти туман давлат солиқ инспекциясига жами 448 минг 300 сўм боқиманда қарз ва 329 минг сўм жарима тўлаши керак экан. Туман давлат солиқ инспекцияси ушбу қарзларни «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятидан узоқ вақтгача ундиролмагач, судга мурожаат қилган. 1999 йил 29 январ куни «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятининг молмулки ҳисобидан юқорида кўрсатилган боқиманда қарзни ва жаримани ундириш тўғрисида суд буйруғи берилгач, Пахтакор туман давлат солиқ инспекцияси «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти биносини ҳатлаган.

Туман давлат кадастри хизмати бўлимининг бинони ҳозирги кундаги нархи тўғрисидаги 1999 йил 23 февралдаги маълумотномасига асосан бинонинг эски нархи 886 минг 166 сўм қилиб белгиланган. Бинонинг ҳақиқий қиймати эса 2 миллион 72 минг 652 сўмни ташкил этган. Шунга асосан «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятига тегишли бўлган ўша пайтда «Табиат инъоми» дўкони биносини кимошди савдосига қўйиб сотиш учун тўпланган барча ҳужжатлар Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Жиззах вилояти бошқармасига юборилган. Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятига тегишли шу бинони кимошди савдосида 1 миллион 150 минг сўмга нархлагач, биз оиламиз билан сотиб олдик. 1999 йил 31 мартда 98-сонли олди-сотди шартномаси туздик ва давлат ордерини олдик.

Қувончимиз узоққа бормади. «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси А.Раҳмонов турли найранглар билан бинони бўшатиб бермади. Олди-сотди даврида дами ичига уриб кетган раис кейинчалик қилиқ чиқарди. Орадан 3-4 ой ўтиб, А.Раҳмонов ҳиссадорлик жамияти аъзолари билан тил бириктириб, Жиззах вилоят хўжалик судига мурожаат қилишди. Жиззах вилоят хўжалик судининг судьяси А.Маматмусаев ҳе йўқ, бе йўқ ишни бир томонлама кўриб, даъвогарларнинг даъвосини қаноатлантирди.

Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш вилоят бошқармаси томонидан тузилган 1999 йил 31 мартдаги 98-сонли олди-сотди шартномасини бекор қилди ҳамда 1999 йил 1 июлдаги 588-сонли давлат ордерини ҳақиқий эмас, деб топди.

Мен тушунмадим, судья қайси қонуний асосларга кўра бундай қарорга келди. Ёки давлатимизнинг қонунлари бир судьяда бошқа, иккинчисида бошқача мазмун касб этадими? Нима, мен бинони сотиб олиш учун не машаққат билан топган 1 миллион 150 минг сўм пулимга куйиб қолавераманми? Ҳаракатсиз турган пулдан оиламиз кўрган зиённи ким тўлайди? Бинони не-не умидлар билан сотиб олган эдим. Умидларим пучга чиқди. Балки «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси А.Раҳмонов қарзлардан қутилиб олиш учун бир найранг қилаётгандир. Ёки Президентимиз сиёсати улар учун аҳамиятсизми?

Хуллас, адолатни юзага чиқаришда ёрдамингизга муҳтожмиз.

Мавлон ТОЖИЕВ,
Жиззах вилояти Зафаробод тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги Ҳамза кўчаси, 4-уй

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли М.Тожиев! Хатингизда келтирилган далилларнинг асосий қисмини саралаб олдик. Бироқ саккиз варақдан иборат дарду ҳасратингиз ва ишга тааллуқли қўшимча ҳужжатларингиз билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига, хусусан Жиззах вилояти хўжалик судига, қолаверса, Республика Олий хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлисиз. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди. Мазкур мақолага эса тегишли идоралар қонуний жавоб йўллайдилар деб умид қиламиз.

Ўзингга эҳтиёт бўл...

ҒАРОЙИБ УЧЛИК

ёхуд Асака «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида автомашина ва эҳтиёт қисмлари ўғрилари фош этилганлиги ҳақида

Андижонда миш-миш гап. Эмишки, мамлакатимиз фахри бўлган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида катта миқдорда ўғрилик содир бўлганмиш. Бу эшитган қулоққа ёмон гап. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур» деганларидек, миш-миш ана-мана дегунча ҳақиқатга ҳам айланди. Эшитганларнинг гапи бир тараф, аммо ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ушбу ўғрилик бўйича олиб борган суриштирув, тергов ва суд мажлисидаги сўровлари бутун бўй-басти билан жиноят изини очиб берди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг транспорт бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган корейс миллатига мансуб Александр Дю пихини ёрганлардан чиқиб қолди. Аслида у жамоада ҳурмат топган йигит бўлиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатида шубҳа сезилмасди. Ҳатто унда «Мониторинг-Тест» синов белгилари қўйилган махсус майдончадаги «Нексия» автомашиналарини ҳайдаш ваколати ҳам бор эди. Нима бўлганда ҳам у «ичимдагини топ» деган йигитлардан эди. Шу сабабми ўзининг иш даври мобайнида ўрганиб, кузатиб ва кўз остига олиб юрган режаларини амалга оширишга қийналмади. Синаладиган автомашиналар ҳайдовчилари учун назорат постидан чиқиб кетиш ҳуқуқини берувчи расмийлаштирилмаган варақаларни қалбакилаштириш йўли билан «Мониторинг-Тест» синов белгили «Нексия» автомашинаси ўғирлаш йўли билан дастлабки жиноий ишга қўл урди. Иш хамирдан қил суғургандек осон кўчди. Энди ўғирланган машиналар учун харидор топиш, керак бўлса, ўзига шерик танлаш муаммосини ҳал қилса олам гулистон.

Кўп миқдордаги давлат мулкини жиноий йўл билан қўлга киритиш ва талон-тарож қилишда устаси фаранг бўлган Дю А.нинг навбатдаги жиноий ишларига Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи Алишер Умаров ва Асака туманилик Умаржон Йўлдошевлар ҳеч иккиланмасдан шерик бўлишликка аҳд қилишди. Аммо шерикларнинг кейинги фаолияти «бузоқнинг юғургани сомонхонагача» қабилида бўлди.

Судланувчи А.Умаров машина харид қилиш ниятида Асакага келади ва шу вақтда қиғир ишнинг устаси А.Дю билан танишиб, 1996 йил декабр ойи бошларида А.Дюдан ҳеч қандай ҳужжатсиз 557.189 сўмлик «Нексия» русумли автомашинани арзон нархда - 330.000 сўмга сотиб олади. Арзон ошнинг мазасини татиган Алишер такроран декабр ойи ўрталарида ўша танишидан ҳужжатсиз 767175 сўмлик 41-L тусли «Нексия» автомашинасини яна арзон нархда, яъни ярим баҳосидан ҳам паст - 330.000 сўмга сотиб олади ва ҳужжатларини тўғрилай олмай, эҳтиёт қисмларга ажратиб, Ипподром ва Сирғали бозорларида сотиб юборади.

Судланувчи У.Юлдошев эса «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ёнида жойлашган вилоят электр тармоқлари корхонасига қарашли Автозавод подстанциясида навбатчи муҳандис лавозимида ишлаб юрган пайтида унинг ёнига 1997 йилнинг 10 март куни кеч соат 20^{30}ларда А.Дю ва Серик исмли шахслар келиб, ўзларининг ғаразли ва жиноятқорона ниятларини айтиб, уни жиноий ишларига шерик бўлишни таклиф қиладилар ва мўмайгина даромад ҳам ваъда беришиб, «хамирдан патир» қабилида пул билан сийлайдилар. Чўнтакдаги пул ва келадиган мўмай даромад Умаржонни шайтон васвасасига солди. У бўлди, бу бўлди Умаржон ҳам жиноятчиларга қўшилди, кўп миқдордаги автомашиналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш ҳамда талон-тарож қилишда олғир бўлди.

Умаржон ўзи ишлаб келган подстанция эшигини очиб бериш йўли билан жиноятчи шериклари ёрдамида қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган «Тико» русумли автомашинанинг ҳар бир донаси 3568 сўм 73 тийинлик 180 дона, жами нархи 285498 сўм 40 тийинлик иккита қути (кест)га жойлаштирилган олди ёритгич чироқларини ўғирлашга ёрдам бериб уларнинг жиноятларига шерик бўлган. Бундай ҳолатнинг такроран ёки ўғирланаётган эҳтиёт қисмларнинг миқдори ошиб бориши қўшма корхона маъмурияти ҳамда назоратчи милиция ходимларида шубҳа ва кеч бўлса-да, сергаклик уйғотди.

Жиноят изсиз қолмади. Дастлабки тергов ва суд мажлиси давомида судланувчилар ва гувоҳларнинг юқоридаги жиноят ишларини тасдиқлаб берган кўргазмалари ҳамда иш бўйича тўпланган барча ҳужжатлар билан судланувчиларнинг айблари ўз исботини топди ва уларга қилмишларига яраша жазо белгиланди.

ХОТИМА ЎРНИДА: Кўриниб турибдики, жиноят бир кунда ёки бир вақтнинг ўзида содир бўлмаган. Жиноятчи ўзининг ғаразли режасини ойлаб, йиллаб тузган. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Хўш, собиқ ҳайдовчи А.Дю ҳужжатларни ғайриқонуний равишда қалбакилаштириб, кўп миқдордаги ўғирлик ва талон-тарожликни амалга оширган экан, машиналарни назорат постидан олиб ўтиш учун рухсатномага босиладиган муҳрни қаердан олган? Ёки эҳтиёт қисмлар сақланадиган омборхоналар ҳар доим назоратдан чеккада бўлганми ёки?.: Нима бўлганда ҳам ушбу ўғирлик завод мутасаддиларини янада хушёр бўлишга чорлайди.

Полвонжон АБЛЯЗОВ,
Асака шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Болажонларимиз ёзги таътилдан сўнг яна жонажон мактабларига қайтдилар. Янги ўқув йилида Шаҳрисабз туманида деярли барча илм масканларида мактаб бозорлари ташкил қилиниб, дарслик ва ўқувчилар либослари сотилиши кенг йўлга қўйилди.

Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ 1482 ўқувчи учун 34 та ҳомий ташкилот 3.853.200 сўм пул ажратди. Амир Темур номли жамоа хўжалиги 161.400 сўм, Навоий номли жамоа хўжалиги 82.000 сўм, Улуғбек жамоа хўжалиги 127.400 сўмлик ёрдам беришди.

Ана шундай фидойи инсонлар ҳомийлиги туфайли туманда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмоқда. Масалан, 95-мактабнинг собиқ ўқувчилари Нодир Одилов, Отабек Мажидов, Олмос Холбоевлар республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «УМИД» жамғармаси томонидан ўтказилган синовларда муваффақиятли қатнашиб, ҳозирги кунда АҚШнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

Суратларда: мактаб бозорлари ҳамиша гавжум.

Озод АЛИҚУЛОВ олган суратлар



«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалда

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида таълимнинг мазкур бўғинини барпо этиш борасида аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган эди. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Рўйиддин РАҲИМОВ бизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

- Узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгилик бўлди. Бу баркамол авлодни камол топтириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги тарихий заруратдир. Коллежлар, академик лицейлар қурилиши учун ҳукуматимиз томонидан республикамиз бўйича 34 миллиард сўм, вилоятимиз бўйича эса 2 миллиард 50 миллион сўм ажратилди. Бугунги кунда вилоятимизда Қарши саноат касб-ҳунар коллежи, Яккабоғ қишлоқ хўжалиги коллежи, Қарши Давлат Университетида академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Тажриба тариқасида ташкил этилган мазкур ўқув муассасалари ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларига қараганда жуда кўп афзалликларга эга. 2005 йилга қадар вилоятимизда 10 та академик лицей ва 144 та касб-ҳунар коллежини ташкил этиш кўзда тутилган. Касб-ҳунар коллежларининг 29 таси саноат-транспорт, алоқа, 22 таси қишлоқ хўжалиги, 3 таси тиббиёт, 14 таси педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт, 24 таси савдо ва умумий овқатланиш соҳалари бўйича ташкил қилинади. Янги ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадларида 16 млн. 727 минг сўмлик ишлар амалга оширилди. Педагог кадрлар савиясини ошириш учун 119 нафар муҳандис муаллим қайта тайёрловдан ўтказилди. «Устоз» жамғармаси ҳисобидан бир киши АҚШ, 3 киши эса Германияда тажриба ўрганиб қайтди. Касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассислик билан бирга яна учта мутахассислик бўйича ишчи касбига ўргатилади.

Муҳтарам юртбошимиз баркамол авлод тарбияси учун ҳеч нарсани аямай ғамхўрлик қилмоқда. Бу ғамхўрликка барчамиз фидойилик билан жавоб беришимиз зарур.

Турмуш чорраҳаларида

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАМ ЭКАН...

Мен жуда ёшлигимдан санъат шайдоси эдим. 1978 йили мактаб ўқувчиларининг санъат байрамида иштирок этганман. Туман миқёсида муваффақиятларга эришиб, вилоят бўйича ўтказилган санъат байрамларида ҳам ўз рақсларим билан кўплаб мухлисларни хушнуд этганман.

Мактабни тугатгач, раққосалик бўйича ўқишга бораман, дея ният қилиб юрардим. Лекин боролмадим, сабаби менинг отаонам оддий деҳқонлар бўлиб, улар мени шаҳарга жўнатишни истамадилар. Қолаверса, оиламизнинг моддий томондан қийналиб ҳаёт кечириши орзуларим йўлида ғов эди.

Мактабни тугатган йилимоқ мени турмушга узатишди. Турмуш ўртоғим билан беш йил бирга яшадик, икки фарзандли бўлдик. Қизларимиз бирбиридан ширин, чуғурлашиб юрган бир пайтда эрим бизни уйдан ҳайдаб юборди. Сабабини билолмай қоддим. Эрим одамларга «Ўйинчи билан яшагим келмади» дермиш, мен эса камбағал оилада ўсганим учун мени назарига илмади, деб тушунаман. Хуллас, эрим менинг шаънимга ҳар хил бўҳтон гапларни ёғдирган ҳолда қонуний равишда ажралиб олди...

Икки қизимга келадиган алимент тобора камайиб борар, мен энди тирикчилик ташвишини қилишим керак эди. Эримнинг «ўйинчи» дея таъна қилишларини ўйлаб, далада ишлашга қарор қилдим. Уч йил давомида тер тўкиб, далада меҳнат қилдим. Сўнг хўжалигимиз раҳбарлари мени жамоа клубида ишлашга, санъат соҳасини тиклаб беришга таклиф қилишди. Ўйланиб қолдим, чунки яқинда бўлиб ўтган воқеа таъсиридан карахт эдим. Воқеа шундай эди.

Мен қизлар билан далада айни кун қизиган маҳали терлаб-пишиб ишлаб турардим. Шу пайт ёнимиздаги йўлдан ўтаётган машиналар узлуксиз сигналлар бера бошлади. Ҳамма уларга термулди, мен машинада ўтирган куёв - эримни кўриб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Беҳол бўлиб ерга ўтириб қолдим. Сигнал берган машиналар галаси қай томонга кетганини ҳам англолмай қолдим. Ўша куни кечгача ишлай олмадим. «Ўзимни ўлдираман» деган қарорга келдим, шу пайт кўз ўнгимга икки ширин қизалоғим келди-ю, шаштимдан қайтдим. Ўшандан сўнг фарзандларим учун келаётган алимент миқдори кескин камайди. Бу ҳолдан шикоят қилиб, туман судига қатнайвериб чарчадим, вилоят судига хат ёздим. Натижа бўлмади. Хуллас оладиган алиментим арзимас миқдорда бўлиб қолгач, югуришдан ҳам тўхтадим. Чунки энди ҳаммаси жонга теккан эди.

Хуллас, хўжалик раҳбарларининг таклифларига кўнишга қарор қилдим ва клубда ишлай бошладим. Ишларим жонланиб кетди, сабаби мен ўзим қизиқадиган соҳада фаолият кўрсатаётган эдим. Санъатни тушуниш, уни қадрлаш, юксалтириш масалаларида ёшларга бирча шарт-шароитларни яратиб беришларини раҳбарлардан қатъий талаб қилар эдим. Катта йиғилишларда минбарлардан туриб маданият ва санъат соҳасидаги камчиликларни очиб ташлайверганимдан сўнг раҳбарларга ҳам ёқмай қолдим шекилли, улар бошқа мутахассис қидиришга тушишди. Бу ҳолдан янада таъсирландим. Чунки мен ўз касбимни жуда севардим. Клуб эса шу қадар жозибали эдики, уни кўрсам ўксик қалбим армонлари ҳам унут бўлар, беҳад суюнардим. Раисимиз «Сен ўқимагансан, биз бу ишга олий маълумотли ходимни ишга олмоқчимиз» деди. Оҳ тортдим, ўқимаганлигим алам қилди. Туман ҳокими муовинининг қабулига кириб, «мен ўқимоқчиман» дедим. У эса менинг ўқишга кира олмаслигимга қатъий ишонч билдирди. Унинг қабулидан йиғлаб чиқиб кетдим. Ҳаёт мени курашларга чорлар эди. «Ҳарқалай икки фарзандим бор, уй-жой қуришим керак» деган ниятда йиғиб юрган озроқ маблағим бор эди. Жамғармамни ўқиб, олий маълумот олиш йўлидаги ҳаракатларимга сарф қилдим. Институтга қабул қилинмадим, аммо техникумга сиртдан жойлашдим, 1996 йили техникумни битирдим. Аммо олдинда турган катта ҳаёт ҳамон ўз муаммоларини кўндаланг қўярди. Икки қизим ҳам анча бўй чўзиб қолишган, уларнинг иссиқсовуғи, ташвишлари зиммамда бўлгани учун оладиган маошим етмасди. Хуллас, тирикчилигим мени тўйларга бориб, рақсга тушишга мажбур этди. Бу ҳол мен учун жуда оғир эди. Негаки, мен ўзимни истеъдодли одамман деб ҳисоблардим. Ёшлигимдан тожикистонлик раққоса Малика Қаландарова санъатини севар, унингдек санъаткор бўлишни орзу қилардим. Афсуски, орзу бошқа, ҳаёт йўли бошқа эди. Қалбим пок туйғуларга эш бўлгани учун тўйларда ҳеч қачон спиртли ичимлик ичиб ўйнамаганман, шерикларим «маст эркаклар ёнига бор, қошу кўзингни сузиб бўлсада, пулини ол» дейишса-да, бундай ишни қилмаганман. Кўпроқ ўз устимда ишлашга, истеъдод, маҳорат билан рақсга тушишга ҳаракат қилдим. Ҳаракатларим зое кетмади, гарчи қошу кўзимни сузмасам-да, пуллар мен томон ёғиларди. Вилоятимизнинг энг машҳур артистлари билан тўйларда хизмат қиладиган даражага етишдим. Мен улардан санъатимни саҳнага олиб чиқишларини илтимос қилардим. Лекин улар нима учундир бу борада ёрдам беришни исташмасди.

Хуллас, пул топишим изга тушиб кетди-ю, ҳаётимнинг бошқа томон - деворлари нураб туша бошлади. Яъни ота-онам, акаукаларим менинг «ўйинчи»лигимдан хижолат чекишарди. Опа-сингилларим ҳам кимлардандир дакки эшитишарди. Қалбим зирқираб оғриса-да, барчасига чидаб келардим. Аммо эндиликда каттагина қизлар бўлиб қолишган икки фарзандим ҳам «Онажон, тўйларга борманг» деб зорланадиган бўлишди.

Ҳозирда боши берк кўчага кириб қолгандайман. Нима қилишни, қандай йўл тутишни биролмай бошим гаранг. Сизларга мактуб йўллашимнинг боиси ҳам қонунни яхши тушунувчи, ҳаёт ташвишлари ва қувончларига эътибор билан қаровчи дўстларим деб билиб, ўртоқлашмоқ, фикр алмашмоқ эди. Мен ҳаётимни энди қандай бошқарсам экан, нима қилсам тўғри бўлади?

ШОҲСАНАМ,
Сурхондарё вилояти

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз муштарий! Биз бу хатни муаллифнинг қатъий сўрови сабабли босдик. У орқали санъатни севган, қалби фақат у билан ошуфта биргина аёл дарди, ташвишлари-ю, фикрлари билан танишдингиз. Аслида инсон қалбига ором бағишловчи сеҳр-санъат ҳар биримизнинг ҳам қалбимизга ошуфтадир. Аммо Оллоҳ барча инсонларга ҳаёт, яшаш неъматини бир хил ато этган бўлсада, ақл-заковат, фаросат борасида ҳаммамизнинг ўлчами ҳар хил экан. Демоқчи бўлганимиз, санъатни ҳамма ҳам нозик дид, юксак онг билан тушунавермайди. Шоҳсанамнинг (исм-шарифларини ўзгартирдик) дарду ҳасрати, ҳаётидаги чигалликлар ҳам худди шу қусурлар туфайлидир. Сиз унинг ҳаёт йўлига қандай қарайсиз? Шоҳсанам миллатни дунёга танитадиган, инсонни қайғудан, ғамдан озод этадиган, эркин, ҳур ҳаёлларга етаклайдиган санъатдан воз кечсинми? Ёки яқинлари, жондан азиз фарзандлари кўз ёшини оқизиб ҳам қалбини тоғ қилган ҳолда рақсга тушаверсинми? Фикрларингизни кутамиз. Зеро, қаҳрамонимиз барчамизни дўст билиб, ўз дардларидан воқиф этди, ишонч билдирди.

Ҳурматли эркакларимиз, азиз опа-сингилларимиз, қадрли санъатимиз фидойилари ўз сўзларини айтадилар деган умиддамиз. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари шу ўринда ҳар биримиз учун фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз:

Дунёда кўп нарса унутилади:
Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайғулар,
Унутилиб борар муҳаббат дарди,
Унутилар йиллар, йўллар, туйғулар.

Қирқ йиллик адоват унутилар секин,
Унутилар ҳатто юракдаги дарз.
Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,
Унутилмас улар олдидаги қарз.

Мустақиллигимиз иншоотлари

ИККИ БИНО, ИККИ ТАРИХ

(Боши 1- бетда)

1990 йиллар бошида янги бино учун смета-лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди, жой танланиб, пул ажратилган эди. Бироқ қурилиш чизмадан, лойиҳадан бошланади деганларидек, дастлабки яратилган лойиҳа унчалик кўнгилга ўтирмади. Тўғриғоғи, мустақил юртнинг мустақил суди биносига ўхшамасди. Янаям аниқроғи, Ғарб ва Европа мамлакатларининг қатор суд органлари фаолияти ва улар ишлаётган суд биноларини ўз кўзи билан кўриб келган Улуғбек Содиқовга ёқмади. Чизмага ҳам, қурилишга ҳам янгича ёндашилди.

- Сиз ётоқхона қураётганингиз йўқ, ахир, - деган эди Улуғбек Содиқов қурилиш лойиҳа смета ишларини чўзиб юбораётган қурилиш бригадаси бошлиқлари, лойиҳачилари билан бўлган бир «даҳанаки жанг»да. - Бу янги яратилаётган бино шундай бўлиши керакки, у мустақил ўзбек судининг юзи, кўзи сифатида обрў-эътибори, ўзига хос салобати, ўзига хос виқори билан адолат қўрғони эканлиги билиниб турсин.

Шундай бўлди. Бунақа «жанг»лардан қанчалари ўтмаган дейсиз. Хуллас, бу бинонинг чизмаси-ю, биринчи қўйилган ғиштигача, қоқилган михи-ю, ёпилган томигача, ертўласи-ю, тўрт қаватга олиб чиқадиган лифтигача, зиналарнинг нечталиги-ю, хоналарнинг жиҳозланишигача, жавобгару даъвогарга яратилган барча-барча шарт-шароитлар мукаммал бўлиши учун, қисқа қилиб айтсак, Улуғбек Содиқов жон куйдирди. Ҳам лойиҳачи, ҳам қурувчи, ҳам суд раиси сифатида тиним билмади. Бу масалада бажарилиши лозим бўлган барча ишларнинг охирига етказишда суднинг катта ижрочиси Ҳикматилла Рафиқовнинг катта суд ижрочисигина эмас, балки «Зарб-дор қурилиш»даги суд вакили сифатидаги хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. У қурилиш ишлари битгунича «югур-югур»дан чарчамади. Мана, ўша заҳматли кунлар ортда қолди.

Улуғбек Содиқов бугун шу бинода ўзаро маслаҳатдош, ҳамфикр, адолатга фидойи жамоаси билан жамулжам. Қонунлар устуворлиги, адолат қарор топмоғи учун уларнинг ҳар бири ўз тажрибасини, кучини, билимини аяшмайди.

- Президентимизнинг «Халқ очликка, йўқчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидамайди» деган ўгити ҳар биримиз учун шиордир, - деди Улуғбек ака. - Биз бу адолат қўрғонида даъвогарнинг ҳам, жавобгарнинг ҳам манфаатларини бир хилда қонун талаблари асосида кўриб чиқар эканмиз, одамлар қалбида суд фақат жазолаш идораси эмас, балки ҳимоя идораси эканлигига тўла ишонч уйғота олишимиз керак.

Халқда бир нақл бор: ариқни бир киши чопади, аммо минг киши сув ичади. Туман судининг республикадагина эмас, балки собиқ иттифоқдош давлатлар орасида ҳам ягона лойиҳадаги биноси дунёга келди. Энди бу бинода кўп йиллар юзлаб судьялар фаолият кўрсатадилар, қанчалаб тақдирлар учрашади ва жамики ишлар адолатли ҳал этилади, деб умид қиламиз.

С.СИРОЖИДДИНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Суратда: Акмал Икромов туман суди раиси Улуғбек Содиқов (ўнгда) судьялар Пирмуҳаммад Боймуродов (ўртада) ва Акром Аъзамхўжаев (чапда)лар ўзаро маслаҳатда.

Янги китоблар

АБДУМАЖИД ШУКУРОВНИНГ «УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ»

Абдумажид акани республикамиз ҳуқуқ жамоалари яхши танирди. Жуссаси кичик бўлса-да, зувваласи пишиқ, ўта одамохун, дўстга садоқатли инсон эди. Адолатни, шарқона одобни ҳамроҳ этганлардан саналарди. У киши забардаст устозларнинг шогирди, ижодкор аҳлининг биродари, ёш ҳуқуқшуносларнинг устози, ажойиб фарзандларнинг меҳрибон отаси эди.

1936 йилда Тошкентда туғилган Абдумажид ака 1960 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатиб, дастлаб меҳнат фаолиятини ноширлик ва вақтли матбуотда адабий ходимликдан бошлаган. Сўнг бироз вақт Гулистон шаҳар ижроқўмида масъул котиблик қилган, 1965-66 йилларда прокуратурада терговчи бўлган. Шу йили Ўзбекистон Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти раҳбари, забардаст олим, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Отабой Эшонов Абдумажид акани ўз ёнларига «торттан»лар. Қаҳрамонимиз умрининг охиригача илм-фан, изланиш, ҳуқуқий публицистика соҳаларида фидойи меҳнат қилиб, элга танилган. Юридик фанлари номзоди диссертациясини ёқлаган, Адлия вазирлигида маслаҳатчи, Республика Олий Судида бўлим бошлиғи, мустақил Ўзбекистонимизда Конституциявий суд ташкил этилганда унинг таркибида, Олий Хўжалик судининг матбуот бўлимида фаолият кўрсатган. 1998 йил 15 декабрда Абдумажид ака вафот этдилар (илойим жойлари жаннатда, руҳлари шод бўлсин).

Яқинда «Ёзувчи» нашриёти хайрли бир ишга қўл урибди. А.Шукуровнинг турли йилларда республикамиз ҳуқуқшунослик фани фидойилари, ўз устозларини ёдга олиб, улар ҳақида битган хотира мақолаларини жамлаб, тўплам ҳолда «Умр зарварақлари» деб номлаб чоп этибди.

Китобда машҳур зот - Отабой Эшонов, заҳматкаш олим, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Анвар Аъзамович Аъзамхўжаев, таниқли сиёсатчи ва давлат арбоби, олима Мамлакат Собировна Восиқова, амалиётчи ва ҳуқуқшунос олим Фахриддин Муҳиддинов, бетакрор муаллим, ҳуқуқ алломаси Фуад Хатипович Сайфуллаев, фан арбоби, профессор Малик Ҳакимович Ҳакимов, ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи ҳуқуқ фани академиги Хадича Сулаймонова, чексиз мурувват эгаси, оналик рамзини ўзида мужассам этган олима, фан арбоби Холида Саматовна Саматова ва бошқалар ҳақидаги мақола ва очерклар ўрин олган.

Уларни ўқир экансиз, беихтиёр устозлари сари нигоҳ ташлаб турган Абдумажид аканинг ҳурматбажо сиймоси кўз олдингиздан ўтади. У кишидан устозни, мураббийни эъзозлашни, ҳурмат бажо келтиришни ўргангинг келади.

Китобда шунингдек, Абдумажид аканинг «она қизи», жигарбанди, ҳуқуқшунос Нилуфар Шукурованинг отаси ҳақидаги хотираси ҳам ўрин олган. Ундаги ҳар бир сатрдан фарзанднинг ота ёдига атаганлари тўкилиб турибди. Ҳар бир мисрадан қиз меҳрининг дурлари сочилиб, кўзда ёш, томоқда тош, дилда соғинч билан битилганлиги акс этиб турибди.

«Отамиз, устозимиз илму фанни севишни, адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббат қўйишни, касбни ардоқлашни биз фарзандлари - Нилуфар, Насибахон, Абдурасул ва Наргизага мерос қилиб қолдирдилар». Бу сўзларда барча қувват жамулжам.

Абдумажид аканинг «она қизи» ёзади:

«...Сизни ўлди, деган гапга
Телба юрак кўнмайди.
Тирикмиз, Сиз ҳақингизда
Хотиралар сўнмайди...
...Минг қариндош биттагина
Ота, отанг бўлмайди...
...Қабрингизнинг тепасида
Баҳор бўлиб йиғладим...»

Меҳр, оқибат, муҳаббат, бурч ва фидойиликни таратувчи ушбу тўпламни ўқинг, ўрганинг, сабоқ олинг, дегимиз келади.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Оила ва жамият

МАҚСАДИМИЗ - ҲУҚУҚИЙ КАМОЛОТГА ЭРИШИШ

Мустақиллик бу - ҳуқуқ эканлигини бугун ҳар биримиз юрак-юракдан ҳис этаяпмиз. Озодлигимизни асраш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишимизда юқори даражада ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган фуқароларнинг ўрни беқиёсдир. Ўз миллати, Ватани равнақи, келажаги учун ёниб яшаётган ҳар бир шахсда ватанпарварлик ҳисси етарли шаклланишида ҳам ҳуқуқий билим зарур бўлади. Бу борада ҳуқуқни кенг тарғиб этишнинг алоҳида ўрни бор.

Бугун мамлакатимизда демократик жараёнлар, қонун ва адолат устуворлигини таъминламоқ учун барча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Зеро, инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб, қонунларимизни пухта ўрганиб ва унга амал қилиб яшаши замирида катта ҳаётий мазмун-моҳият ётади. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти, билими ва онгини юксалтириш борасида бизнинг «Наврўз» тантанали Никоҳ саройимиз жамоаси ҳам замон талаби даражасида иш юритишга интилмоқда.

Ўтган йили Оила кодекси ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилганди. Оилапарвар халқимиз ушбу кодекснинг мазмун-моҳияти ва мақсади билан мукаммал танишиб бораяпти. Буни иш фаолиятимиз давомида кўриб, кузатиб келаяпмиз.

Оила йили ва Аёллар йилида ишларимизни тубдан янгилашга, замон талабларига мос тарзда мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдик. Никоҳдан ўтиш учун ариза топшираётган ёшлар билан ишлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Никоҳ маросимлари халқимиз урф-одатлари, маънавиятига муносиб тарзда ўтказилишига эришилди. Шунингдек, биз ёш оила муҳитидан хабардор бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Қайнона-келин муносабатлари, эр-хотиннинг, ота-оналар ҳамда болаларнинг қонуний ҳуқуқлари, мажбуриятлари хусусида тушунтириш ишлари олиб бориб, жонли суҳбатлар ўтказаяпмиз.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий анъаналаримиз урф-одат ва маросимларимиз ўзбекона тус олганлиги қувончли албатта. Аммо кейинги йилларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ортиқча дабдаба билан ўтказиш, исрофгарчиликларга йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби салбий ҳолатлар жамиятимизда илдиз ота бошлади. Республикамиз Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони бу борада айни муддао бўлди. Кўпчиликни ташвишга солиб келган бундай носоғлом ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинди.

Президентимиз Ислом Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиядаги маърузаларида «Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир, жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир десак муболаға бўлмайди.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий ва маънавий савиясини белгилайди» деб таъкидлашлари руҳимизни кўтариб юборди. Шу билан бирга бизнинг ҳаётдаги, турмуш ва ишимиздаги масъулиятимизни янада оширди.

Шу йилнинг саккиз ойи давомида 2200 та никоҳ қайд қилдик. Одатда янги оила қуриш хоҳишини билдираётган ёшларга бир ойлик синов муддати белгиланади. Биз баъзи ҳолларда, яъни ҳомиладорлик маълумотномаси ёки хизмат сафарига кетаётганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма тақдим этилган ҳолатларда бу муддатни қисқартириш билан ёшларнинг никоҳдан ўтиш жараёнида қулайликлар яратаяпмиз.

«Наврўз» Никоҳ уйимиз жамоаси Иқтисодиёт Университети билан ҳамкорликда аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оошириш мақсадида университет домлалари ва талабалари билан ҳамкорликда «Аёл, қонун ва ҳуқуқ» мавзусида семинар-машғулот шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида «Балли, қизлар» беллашуви ўтказди.

Аҳолининг, ёшларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлаш борасида Тошкент шаҳридаги тиббиёт коллежи жамоаси билан ҳам ҳамкорлигимиз бор. Яқинда ўтказилган «Соғлом авлод - соғлом келажак» мавзусидаги кечамиз ғоят мазмунли ўтди. Тошкент юридик коллежи жамоаси билан ҳамкорликда ўтказган «Оила ва саломатлик» мавзусидаги давра суҳбатимиз ҳам самарали бўлди. Бу тадбирларимизнинг барчаси кўпчиликда яхши таассуротлар қолдирди. Шунингдек, ҳар йили мустақиллик байрами муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиб бераяпмиз. Яқинда мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрами муносабати билан бўлиб ўтган 500 ўринли дастурхоннинг ташкил этилишида мажмуамиз жамоаси ҳомийлик ҳиссаси ҳам борлиги биз учун ғоят қувончлидир.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган АСХМ - ахборот сервис хизмат маркази келин-куёвлар учун барча шарт-шароитларни муҳайё этаётир. Бизнинг никоҳ саройимизда шундай хизмат тури бўйича келин-куёвларга 2200 та йўлланма берилди.

«Соғлом авлод учун» Диагностика марказида келин-куёвларнинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Шу йилнинг олти ойида 1224 нафар келин-куёвлар хизматнинг ушбу туридан баҳраманд бўлдилар.

Никоҳ саройимиз ўз ишини амалдаги қонун ҳужжатлари ва юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда юритаётгани сабабли барча фаолиятимизда кўнгилдагидек ютуқларга эришаяпмиз.

Хуллас, ҳуқуқий билим ва маданиятни кенг тарғиб қилиш, маданиятли, баркамол оила барпо этиш йўлида бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш юритаяпмиз.

Зумрад АКРАМХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар «Наврўз» тантанали никоҳ саройи директори

Суратда: Никоҳ саройининг умумий кўриниши.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Қаримас қалб садоси

ИЗҲОР

Юрак-бағрим эзилар,
Сени ҳар кун кўрмасам.
Соғинч-чанқоқ босилмас,
Лаб-дудоғинг ўпмасам.

Орзум гўё ушалмас,
Сен-ла сайр қилмасам.
Армон қолардек қалбда
Бирга жавлон урмасам.

Умр кемтик ўтардек,
Бахтингдан тахт қурмасам,
Содиқлигимга ўт қўй,
Берган аҳдда турмасам...

Ҳаққул ВАФО

Қутлов

СУДЬЯ ХАЙРУЛЛАЕВ -60 ёшда

Миллий мустақиллигимизнинг муборак 8 йиллик тўйининг ҳароратли ва тафтли нафасидан тўйиб-тўйиб сипқорилаётган кунларда Тошкент вилояти ҳуқуқшунослари орасида яна бир хушхабар тарқалди: «Судья Гали Хайруллаев 60 ёшга тўлиб-тўлишган тўйини ўтказармиш».

Г. Хайруллаев 1939 йил 10 сентябрида Тошкент вилоятида таваллуд топган. 1963 йилда ТошДУнинг юридик факультетини тамомлаган ва шу йили меҳнат фаолиятини Кокчетав вилояти прокуратурасида терговчиликдан бошлаган. 1964 йилдан бошлаб тўрт йил Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасида терговчи, 1968 йилдан бошлаб 5 йил мобайнида Бўка туман прокуратурасида терговчилик қилган. Сўнг уч йил шу ерда прокурор ёрдамчиси, яна уч йил Олмалиқ шаҳар прокурори муовини бўлиб ишлаган. 1978 йилда Бўка туман судига раис этиб сайланган. Беш йилдан сўнг шу туман прокурори лавозимига тайинланган, беш йил мобайнида ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келган. Мана, 12 йилдирки, Тошкент вилоят суди судьяси сифатида адолатга тарозибонлик қилиб келаяпти. Гали аканинг фидойи, ташаббускорона ишлари кўп, фаолиятининг эслашга арзигулик дамлар янада кўп, шогирдлари унданда...

Судья Гали Хайруллаев ҳалол меҳнати билан обрў топган, қонунга фидойилиги билан 60 йиллик довонни забт этишга шай инсонлар тоифасидандир.

60 ёшингиз қутлуғ бўлсин, Гали Хайруллаев, соғ бўлинг, омон бўлинг!

Бир гуруҳ дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари

Кўнгил мулки

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Эрта тонг. Гулнора эринибгина ўрнидан турди. Куз тонгининг майин шабодаси ҳам унинг кўнглини кўтара олмади. Ариқ четида ювинди-да, челакни олиб аста оғилхонага - сигир соғгани йўл олди. Сўнг ҳовлига сув сепди, хазонларни супурди. Болаларни турғизиб чой тайёрлади, сут пиширди. «Адангни чойга уйғот, болам», - дея ўзи эрининг кийимларини дазмоллашга ўтирди. Мана, эри ҳам уйғонди. Ювиниб, тоза кийимларини кийиб, сутга иссиққина нонни тўғраб еб олди. Гулнора бугун нонни тандирда ёпишга улгурмай, газ духобкасида иситиб келтирди. У яна эрининг кўзига тикилди. «Яша, хотин! Раҳмат, қорин тўйди, қўлинг дард кўрмасин» дейишини кутди, лекин... Турмуш ўртоғи аста иш папкасини қўлтиғига тиқиб, уйдан чиқиб кетди. Болалар мактабга, кичиклари боғчага, ўзи эса фермага йўл олишди. «Адам машинада ташлаб кетсалар бўларди» деган гапидан ўғлининг ақли кириб қолганини билган Гулнора индамади.

Фермадан қайтишда бозорга кириб ул-бул харид қилди. Зилдай сумкани аранг кўтариб келди. Яна ўша уй, яна ўша ташвиш. Ҳовлини супурди, уйларни йиғиштирди, болаларни боғчадан олиб келди, овқат солди, шудгорда озгина ишлаган бўлди, кир ювди. Оқшом ўз сепини ёйганда машинанинг овози эшитилди. Гулнора энтикиб дарвозага қаради. Хўжайининг савлат тўкиб, оппоқ кийимларда кириб келиши унинг ҳавасини келтирди.

У овқатини еб, телевизор остига ёнбошлади. «Болаларингни вақтида уҳлатмайсанми, миямнинг қатиғини чиқарворди!» дея бақирди. Эрининг телевизор кўришига болалари ҳалал бераётганини тушунган хотин уларни ички хонага олиб кирди.

Тун. Ҳаммаёқ жимжит. Гулнора оҳиста эрининг ёнига кирди. Шу пайт у ёстиқдошининг эркалашларини, тўзғиган сочларини силашини жуда-жуда истарди. Қўлини оҳиста унинг пешонасига юборди. Лекин эр унинг қўлларини шундай қуч билан силтаб ташладики, Гулнора қўрққанидан сапчиб туриб кетди.

- Торт қўлингни, молнинг иси келади! Сен ҳам юрибсан-да, хотинман деб!

Эри бу гапни шундай жирканиб айтдики, Гулнора ўзини тутолмай қолди. Қўшни хонага кириб, ўзини ўринга ташлади. У қуйилиб келаётган кўз ёшларини тия олмасди. Юрагидан отилиб чиқаётган сўзларни фақат ўзи эшитди. «Ҳа, мен ҳам аёлманми, бир оғиз ширин сўз эшитмасам?! Молнинг ҳиди келади?! Нима қилай, лоақал битта атирим йўқ. Ҳеч бўлмаса бирон марта бошимга рўмол, оёғимга шиппак олиб бермаса. Майли, нарсаку топилар, наҳотки бир оғиз ширин сўз топилмаса. Мен ҳам одамман-ку! Нега, нима учун шуни эркак зоти тушунмайди?!»

Бу сўзларни у эрига айтолмади. Айтолмайди ҳам. Чунки у ўзбек аёли. У шундай тарбия топган. Эркагингни ҳурматла, унинг кўзига тик қарама, деган пандлар унинг қон-қонига сингиб кетган. Оллоҳ унга фақат сабр берган.

Тонг отмоқда. Бир пайтлар шаҳло кўзлари порлаб, гўзалликда қишлоқ қизларининг ҳавасини келтирган Гулнора тўзғиган сочларини рўмол тагига йиғиб, йиғидан шишган кўзларини ишқалаб, оҳиста ўрнидан турди. Яна уй юмушлари. Ташқарига чиқар экан, бутун оламга ҳайқиргиси келди: «Эй, эркаклар! Авлод-аждодларимиз ким ўтганини унутманг! Аёлларга меҳрибон бўлинг. Бизга кўп нарса керак эмас - фақатгина бир оғиз ширин сўз...»

Малика АБДУРАҲИМ қизи

Кулгихона

РАҲМИ КЕЛСИН УЧУН

- Момомдан қолган калиш қани, хотин? - деди эр. - Тоғамнинг жанда тўнини ҳам тополмаяпман, қаерга тикдинг?

- Сасиб ётмасин деб ахлатхонага ташлаб юборганимга бир ҳафта бўлди.

- Э, каллаварам. Энди нима қиламан? Ахир, бугун судга боришим керак эди-ку! Бор, ҳаммол қўшнимизнинг чакмонини бир кунга сўраб чиқ, йўқса у ердагилар менга раҳм қилмаслиги мумкин.

ҲАҚГАП

Судья даъвогардан сўраяпти:

- Айтинг-чи, жавобгар сизни ахмоқ, иблисдан ҳам бадтар, қутурган итдан фарқи йўқ, дебди, шулар ростми?

- Ҳа, жаноб судья. Жавобгарнинг айтган бу гаплари батамом ҳақиқат.

- Шундай бўлса даъвоингизга не ҳожат, ахир ҳақиқат учун ҳеч кимни жавобгарликка тортиб бўлмайди-ку!

ЁРИЛГАН АЗИЗ БОШ

Бошлиқ ходимдан сўраяпти:

- Нега кеча ишга келмадингиз?

- Иложи бўлмади. Келаётсам кўчада жанг бўлди. Роса олатасир бўлди. Урилган-сурилганларнинг ҳисоби бўлмади. Қўплаб бошлар ёрилди, лаб-даҳанлар шишди, кўзлар кўкарди...

- Буларнинг сизни ишга келмаганлигингизга нима алоқаси бор?

- Ахир ўша... ёрилган азиз бошлардан бири каминага тегишли эди-да...

Мулла САЙИЛҒОҲИЙ

КЕЛГУСИ СОНДА:

Фахш ва ашқ

ёки бузуқилик касрига қолган синиқ тақдирлар

ҚАЙҒУНГИЗГА ШЕРИКМИЗ, ҲАМКАСБ!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ҳамда «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси Бирлашган таҳририяти жамоаси, таҳрир ҳайъати аъзоси, Адлия вазирлиги Бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган, Республика Юристлар малакасини ошириш Маркази директори ўринбосари, юридик фанлари номзоди Исматулла Ҳамидович МАМАНОВга волидаи муҳтарамаси АНБАРХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С.СИРОЖИДДИНОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСМАТОВ
Терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.